

Қўриқиб, ўзларини четга олган аёлларнинг дод-фарёдини эшитиб, шу атрофдаги ИИБ ходимлари етиб келишди. Озодбекнинг қўлини қайириб, пичоқни олиб қўйишди. Дарҳол «тез ёрдам» чақирдишди...

8 бет

Қўшни аёл Илёснинг жуда тез онахоннинг ишончига кириб олганидан шубҳаланиб, гап орасида ундан эҳтиёт бўлиш кераклигини айтиб ўтади. Бу гап эса қарияга ёқмай, ўзаро гап талашиб қолишади.

9 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Нижош



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2013-yil 10-oktabr, №41 (874)

Ўз тараққиёт йўлимизни танлаш ҳуқуқини, тилимиз, динимиз, эркимиз, муқаддас қадриятларимизни қайтариб берган Истиқлолнинг 22 йиллигини — энг улғу, энг қутлуғ байрамимизни фахр-ифтихор билан нишонладик. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинган кундан буён ўтган ана шу тарихан қисқа даврда асрларга тенг тараққиёт йўлини босиб ўтдик. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида эришган ютуқларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Президентимиз раҳбарлигида собитқадарлик билан амалга оширилаётган ислохотлар туфайли иқтисодиёт юқори суръатларда ривожланиши баробарида фуқароларнинг реал даромадлари муттасил ўсиб бормоқда. Ривожланган мамлакатлардан кам бўлмаган турмуш шароитлари яратилмоқда.

Қадр-қимматим,
таянчим ва ифтихоримсан,
мустақил Ўзбекистон!



Ифтихор

Тараддуд

Фуқаролар йиғини сайловининг ҳуқуқий кафолатлари

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик қўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниб, сайлов жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказилиши белгиланди. Шунингдек, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи комиссияси таркиби, ушбу ижтимоий-сиёсий тадбирни ташкил этиш ва ўтказишга доир тадбирлар режаси тасдиқланди. Эътиборлиси, бўлажак сайловда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 97 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилмоқда.

Шу ўринда ушбу сайловнинг қўлами ва аҳамиятидан келиб чиқиб, унинг олдингиларидан фарқли жиҳатлари ҳусусида тўхталмиш айтиш мумкин. Аввало, бу галги сайлов жараёнлари давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини демократлаштириш ва либераллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари чуқурлашиб бораётган шароитда бўлиб ўтади. Айтиш жоизки, у аҳолининг ижтимоий фаоллиги кучайган, унинг сиёсий ва фуқаролик ўзлигини англаш ҳисси ўсган даврга тўғри келмоқда. Мухими, ушбу кампания 50 дан ортиқ ўзгартиш ва қўшимчалар кириштирилиб, янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонун талаблари ҳамда ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида ўтказилади.

Ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирни қонун талабларига тўла мувофиқ ҳолда, юксак ташкилий-ҳуқуқий ҳамда демократик даражада тайёрлаш ва ўтказиш мақсадида Сенат Кенгашининг тегишли тадбирлар режаси асосида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аниқроқ айтганда, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишда фуқаролар йиғинларига ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгаши қарори билан тегишли комиссиялар тузилди. Комиссиялар таркибига фуқаролар йиғинларининг, давлат органларининг, Ўзбекистон "Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон "Қамолат" ёшлар ижтимоий ҳаракати худудий бўлинмаларининг ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари киритилди.

Шунингдек, барча фуқаролар йиғинларида фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар тузилади. Киририлган ўзгартишларга мувофиқ, ушбу ишчи гуруҳлар фақат фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарори билан тузилди ва навбатдаги сайлов эълон қилинганча фаолият юритади.

Ишчи гуруҳлар фаолиятида ҳолисликни янада кучайтиришга, номзодларга бир хил шароитни таъминлашга қаратилган янги талаблар ҳам киритилди. Хусусан, ишчи гуруҳ таркибига эндиликда фуқаролар йиғинининг, тегишли худуддаги нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг вакилларидан ташқари, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг депутати ҳам киритилди.

Истиқлол шўкуҳи

Истиқлол шарофати билан собик мустабид тузум томонидан сохталаштирилган кўҳна тарихимиз, бой маънавий меросимиз, тенги йўқ меъморий ёдгорликларимиз қайтадан тикланди. Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Марғилон каби шаҳарларимизда қаровсиз қолган қадимий меъморий обидалар асл ҳолига келтирилиб, юртдошларимиз ва хорижий меҳмонларнинг муқаддас қадамжойларига айланди.

Истиқлол Конституциясида собик мустабид тузум томонидан поймол қилинган мулкдорлик ҳуқуқи тикланди. Хусусий корхона, фирма, фермер хўжаликлари ташкил этилиб, тадбиркорлик билан фаолият юритишнинг қонуний асослари яратилди. Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайдиган 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг фаолиятларини текшириш, тафтиш қилиш фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилиши, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд томонидан қўлланиши, ҳуқуқларидан фойдаланиш билан бирга мажбуриятларини тўқис адо этаётган, амалдаги қонунарга зиддият бўлмаган, солиқ ва бошқа тўловларни белгиланган тартибда амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларида асосиз текшириш ўткази-

лишига чек қўйилиши каби кафолатлар қўлай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтирди. Қонунда кўзда тутилган тартибда тадбиркорнинг фаолияти текширилиб, жиноят иши қўзғатилган ҳолатларда эса у билан иқтисодий алоқада бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг фақатгина жиноят иши қўзғатилган ҳолатларда тааллуқли фаолиятининг ўзигина текширилиб, бошқа молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмасликдан иборат қонун талабига қатъий риоя қилиниши таъминланмоқда.

"Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги ва янги таҳрирдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунлар, Президентимизнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қарорлари қабул қилиниб, кичик бизнес, тадбиркорликнинг янада кенг қулоч ёйишига мустақкам ҳуқуқий асослар яратилди. Рухсат бериш тартиб-қоидалари янада соддалаштирилиб, "битта дарча" таъминий жорий этилди. Солиқ ва статистик ҳисоботлар қисқартирилиб, ҳисоботларни вақтни янада тежайдиган масофадан туриб электрон тарзда узатиш усули қўлланила бошланди. Молиявий хўжалик фаолиятларни уч йилда эмас, тўрт йилда бир маротаба тафтиш этиш тартиби ўрнатилди.

Ушбу эркин фаолият юртиш кафолатларидан фойдаланаётган, солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаш, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш, рўйхатдан ўтиш ва рухсат олиш, ер майдонлари ажратиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашиш, банклардан кредит олишнинг бюрократик сансалорлик ва коррупцияни истисно этувчи электрон тизимига, Интернет тармоғига ўтиб ишлаётган ишбилармонларнинг сафи тобора кенгаймоқда. Тадбиркорликни ихтиёр этган, бироқ бошланғич сармоёга эга бўлмаган фуқаролар ҳам бизнес режа асосида исталган банкдан микрокредит ёки имтиёзли кредит олиб, ишларини йўлга қўйишарди. Вилоятимизда фақатгина жорий йилнинг биринчи ярмида 1787 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилди. Айтиш жоизки, фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг сони 20 мингга етди. Тижорат банклари томонидан хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида кўзда тутилганга нисбатан 142 фоиз миқдорда, жами 238,3 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Кичик бизнеснинг ривожлантирилиши ҳисобида 40100 та янги иш ўринлари яратилди.

[Давоми 4-бетда]

[Давоми 3-бетда]

Одатда йўл четига келиб тўхтаган автомашина ҳайловчиси ташқарига чиқмай, салонда ўтираверса, ё бирон танишини ёхуд кира қилиш мақсадида йўловчи қутаётган бўлади.

«Ҳожатбарор шифокор» пандеди

Масежон СУЛТОНОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим катта прокурори

Учтепа туманидаги кўчалардан бирида тўхтаб турган "Матиз" автомашинасига аввалига ҳеч ким аҳамият бермади. Ҳайдовчи эса бир нималар билан машғул бўлди, сўнг ўриндиққа суянганча кимирламай қолди. Бу ҳолат ўз хизмат бурчларини бажариб юрган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг эътиборини тортди.

Улар аввалига ҳайдовчининг масзаси қонган бўлса керак, дея унга ёрдам бермоқчи ҳам бўлишди. Бирок машина эшигини очиб, ҳайдовчидан нима гаплигини, бирор ёрдам керак ё йўқлигини сўрадилар-у, қисилган кўзларини, саволларга ҳам зўрға, пойма-пой жавоб беришини кўриб, унга тиббий эмас, балки бошқача "ёрдам" зарурлигини тушундилар. Буни қарангки, "бемор" ҳам улардан ҳеч нарсани яширмай, "хумори" тутиб қолгани учун шу ернинг ўзида бир танишидан олган героинни озгина сув билан аралаштириб, шприц ёрдамида томирغا юборганини айтиб берди. Шунингдек, автомашинанинг ён эшиги ички қисмидан оқ қоғозга ўралган, ўзи ҳозиргина муолажа учун ишлатган "дори"нинг қолганини ҳам олиб берди.

Табииyki, ушбу ҳолат шу заҳоти ҳолислар иштирокида ҳужжатлаштириб олинди ва тезкор суриштирув ишлари бошлаб юборилди. Маълум бўлишича, ҳайдовчи бир кун аввал ушбу "дори"ни бир танишидан 50 минг сўмга сотиб олган экан. Кўп ўтмай, ҳайдовчига ўхшаб ўзини ўзи "даволаб" юриш ба-робарида унга ҳам "яхшилик" қилмоқчи бўлган "ҳожатбарор шифокор" Ҳамид Шаҳобов ҳибсга олинди...

Суд томонидан ўз хоҳиши билан ўзига "иллат" дея ата-лувчи дардини сотиб олган "бемор" ҳамда унга ноқонуний усулда шифо бермоқчи бўлган "шифокор"га қилмишларига яраша жазо тайинланди.

Шиаат билан ўзгариб бораётган бугунги даврда ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизнинг ажралмас бир қисмига айланган. Уяли телефонлар, ноутбуклар, DVD-плеер ва шунга ўхшаб турли техник воситалар бизнинг энг яқин ҳамроҳларимиз ва дастёримизга айланиб қолган, десак хато бўлмайди. Масаланинг иккинчи томони ҳам борки, мана шундай ҳолатлардан фойдаланиб, мўмай ларомад илинжида турли фильмлар, концертлар, клиплар ва бошқа материалларни яширин равишда кўпайтириб, пуллаётган сохта "тадбиркор"лар орамизда йўқ эмас.

Диск савдосини ўйинчोक бўлиб...

СВОЖДЛҚК департаментининг Бектемир туман бўлими ходимлари томонидан бозорлар, автошоҳбекатлар ва бошқа белгиланмаган жойларда контрафакт маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш юзасидан назорат ишлари мунтазам олиб борилмоқда. Жорий йилнинг январь ойида туман ҳудудида ўтказилган тадбир борида фуқаро Шерзод Мирзаев (исм-фамилияси ўзгартирилган)нинг тегишли тартибда рўйхатдан ўтмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиётганлиги аниқланиб, ундан турли мазмундаги 331 дона 827 минг сўмликдан ортиқ VCD ва DVD дисклар ашёвий далил сифатида олиб кўйилди. Хусусан, Ш.Мирзаев 2012 йилнинг ноябрь ойидан жорий йилнинг январига қадар Кўйлик универсал бозори ёнидаги ер ости йўлгида турли жанрдаги контрафакт дисклар савдоси билан шуғулланиб келган. Аниқлариси, у бундай ноқонуний савдони амалга оширишда вояга етмаган ўсимларнинг хизматидан фойдаланган экан.

Мўмай пул ишлаб олиш илинжида турли мазмундаги,

Фаруҳдин АЛИЕВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Бектемир туман бўлими катта инспектори

яъни миллатимизга ёт бўлган беҳаёлик ва андишасизликни тарғиб қилувчи порнографик фильмлар ёки ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи видеоклиплар савдоси билан шуғулланаётган бундай кимсаларга юртимизда жазо муқаррардир. Жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг ҳукми билан Ш.Мирзаевнинг қилмишига яраша жазо тайинланди.

Хулоса қиладиган бўлсак, кўча-кўйда бундай савдо билан шуғулланаётган одамдан диск ҳарид қилишдан олдин, ҳеч бўлмаса унда тадбиркорликнинг бундай тури билан шуғулланиш учун рухсатномаси бери-йўқлигини ёки қандай мазмундаги дискларни сотаётганини суриштириб қўйсақ, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Қолаверса, шу орқали оз бўлса-да, уларнинг ноқонуний савдосига чек қўйишга муносиб ҳисса қўшган бўлар эдик.

Диплом билан — бизнесга!

Юртбошимизнинг 2010 йил 28 июлгаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш бо-расидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-да"ги Фармони касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларида тадбир-корлик кўникмаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш, битирувчиларни тад-биркорлик фаолиятига жалб этишни замон талаблари даражасига кўтаришда янги бос-қич бўлиб, десак муболаға бўлмайди.

Мазкур Фармондан келиб чиқадиған вазифалар ижросини таъминлаш ус-тидан назорат доимий диққат мар-казимизда. Жумладан, вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда режа асосида битирувчилар-нинг бандлигини таъминлаш, уларни тадбир-корликка жалб этиш, инновацион лойиҳа ва та-шаббусларини кичик бизнес ҳамда тадбиркор-лик соҳасига йўналтириш, бу йўлда учрайдиган айрим муаммоларни ўз ўрнида бартараф этишга қаратилган семинарлар, ёшларни тад-биркорликка йўналтиришда яхши натижага эришган коллежларда тақдиротлар ташкил этилмоқда.

Айниқса, вилоят прокуратураси томонидан вилоят ҳокимлиги, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, сиёсий партиялар ҳамда етакчи банклар билан ҳамкорликда ўтказилаётган бундай тадбирлар яхши сама-ра бермоқда.

Шу ўринда битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, уларнинг мазкур йўна-лишдаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувват-лаш ва рағбатлантириш мақсадини кўзлаган "Диплом билан — бизнесга!" лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишнинг аҳамияти ҳақида ало-ҳида тўхталмоқ ўринлидир.

Нафиса РУСТАМОВА,
Наманган вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси вазифасини бажарувчи

Ўтган йили мазкур лойиҳанинг шаҳар ва туманлар босқичларида 107 нафар битирув-чи қилиб чиқди. Вилоят босқичида қилиб чи-қа муносиб кўрилган 70 нафар битирувчиға тижорат банкларининг 320 млн. сўм миқдо-ридаги имтиёзли кредитлари берилди.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллан-ниш истагини билдирган битирувчилар биз-нес режаларида янги иш ўринлари яратиш асосий ўрин тутатганлиги диққатга сазо-вор. Ўтган йили шу йўл билан тижорат банк-ларидан олинган 385,9 миллион сўм миқдо-ридаги имтиёзли кредит ҳисобидан 133 та янги иш ўринлари яратилди.

Бу борада Косонсой педагогика коллежи-дан Маърифатхон Ҳабибуллаева, Наманган ту-ман хизмат кўрсатиш ва сервис коллежидан Махфуза Қорабоева, Ўйчи саноат, транспорт ва алоқа коллежидан Нодирбек Мамадалиев, Учқўрғон иқтисодиёт коллежидан Одиложон Ус-монжонов, Азизбек Саиджонов, ахборот тех-нологиялари ва сервис коллежидан Жаҳон-гир Алишеров, Баҳром Камоловларнинг биз-нес режалари амалга оширилиши ҳудудлар-ни иқтисодий ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Вилоятимизда жорий йилнинг биринчи яр-мида банклар томонидан 487 нафар битирув-чиға имтиёзли кредитлар ажратилди. Бирги-на "Микрокредитбанк"нинг вилоят филиали томонидан касб-хунар коллежларига тадбир-корлик фаолиятини юритиш учун шу йил 1 июль ҳолатига 602,3 миллион сўм имтиёз-ли микрокредит ажратилган. Натижаси эса тайин — мазкур маблағлар эвазига 157 та янги иш ўринлари яратилди.

Маош ортидан тўрт ой

Инсон борки, ҳалол меҳнат қилиб, эл-юрт орасида юзи ёруғ бўлишини, обрў-эътибор орттириб, келажақ авлодларга ҳам ўзида яхши ном қолдиришга интилади. Аммо яна шундайлар ҳам борки, бу тоифадагилар ҳалол меҳнат ўрнига турли хил қинғир ишларга қўл уриб, мўмай бойлик орттиришга ўрина-дилар. Охир-оқибатда сулуинг қора курсисидан жой эгаллаб, эл-юрт орасида юзлари қора бўлади.

СВОЖДЛҚК департа-ментининг Бекобод туман бўлимига мурожаат қилган фуқаролар Н.Аҳмедов ҳамда С.Холиқовлар (исм-фами-лиялар ўзгартирилган) То-жикистон Республикасида ту-ғилиб, айни вақтда Олмалик шаҳрида яшовчи фуқаро Илҳом Шаропов ва наманган-лик Одил Суяров одам савдо-си билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар содир этаётган-ликларига ҳақида хабар бе-ришди.

Маълум бўлишича, 2012 йилнинг май ойида О.Суяров ва И.Шаропов олдиндан жи-ноий тил бириктириб, юқори-да исмлари келтирилган рес-публикамиз фуқароларига Россия Федерациясида даро-мадли иш тақлиф қилиб, уларни алдашди. Жабрлан-увчиларнинг кўрсатмалари-га кўра, О.Суяров ва И.Шаро-пов ўзга юрда уларни оғир шароитларда турли ишларни бажаришга мажбур қилишган. Еб-ичишлари учун оз миқ-дорда пул беришган. Иш ҳақини тўлиқ тўлаш пайти келганида эса фарибгарлар ҳар хил баҳоналар билан ал-дашган. Жабрдидалар но-илоҳ яна кутишга ва оғир ша-роитлардаги ишларини да-вом эттиришга мажбур бўлиш-ган.

Сабр косалари тўлган

Н.Аҳмедов ва С.Холиқов яна ўз ҳақларини талаб қилиш-ганда О.Суяров айни вақтда уларга ҳақ тўлай олмаглиги-ни, агар яна бироз кутишса, декабрь ойида ваъда қилин-ган иш ҳақини уларнинг уйига почта орқали жўнатиб юбо-ришини айтади. Бу сафар ҳам уларнинг кўйинини пуч ён-гоққа тўлдирди. Тилхат ёзиб бериб, ўзининг фуқаролик паспорти нусхасини ҳам уларга тўтқазади. Н.Аҳмедов билан С.Холиқов бу гал ҳам унга ишонидан бошқа чора тополмайдилар.

Бирок декабрь ойи бош-ланади ҳамки, иш ҳақидан дарак бўлавермайди. Жабр-дидалар И.Шаропов билан боғланиб, ваъда қилинган иш ҳақини сўрашса, у пули йўқлигини айтади-да, бунинг сабабини тушунтириш ўрни-га уларни ўлдириш билан кўрқитади ва бошқа безовта қилмасликни талаб қилади. Н.Аҳмедов билан С.Холиқов алданганликлари ва ҳақ-хуқуқлари бузилганлигини тушуниб, зудлик билан те-гишли жойга мурожаат қили-шди.

2013 йилнинг февраль ойида жабрланувчиларнинг аризалари СВОЖДЛҚК де-партаментининг Бекобод ту-ман бўлими томонидан ўрга-ниб чиқилиб, фуқаролар

Жасур ХҲЖАЁРОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси ходими

О.Суяров ва И.Шароповлар-га нисбатан жиноят иши кўзатилди. Тергов давомида одамфуршларнинг қилмиш-лари ошкор бўлди. Суд маж-лисида жиноят иши бўйича барча ҳолатларга аниқликлар киритилди. Жабрланувчи ҳамда гувоҳларнинг кўрсатма-лари билан О.Суяров ва И.Шароповларнинг қилмиш-лари Ўзбекистон Республи-каси қонунларига зид экан-лиги исботланди. Суд уларга қилмишларига яраша жазо тайинланди.

Хулоса ўрнида хорижда ишлашни истаган ҳамюртла-римизга бу масала билан шу-ғулланадиган ваколатли идо-ралар борлигини, яъни фуқа-роларни чет элларга ишга юбориш ва уларнинг меҳнат фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимо-ий муҳофаза қилиш вазирли-ги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари ко-миссияси томонидан амалга оширилишини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз. Агар Сиз давлат томонидан ишлаш учун кетсангиз, ҳақ-хуқуқла-рингизнинг ҳимояси албатта, кафолатланади.

Фуқаролар йиғини сайловининг ҳуқуқий кафолатлари

[Давоми. Бошланғичи 1-бетда]

Ишчи гуруҳнинг ваколатлари кенгайтирилганлигини ҳам айтиш зарур. Ҳақиқатда ишчи гуруҳга ҳовлилар, уйлар, кўчалар ҳамда шаҳарлардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларини ташкил этиш ва ўтказиш, аҳоли умумий йиғилиши иштирокчиларини рўйхатга олиш, йиғилиш баённомасини тузиш, тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда нафақат фуқаролар йиғини раиси, балки унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлаш, бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказилишини ташкил этиш каби ваколатлар ҳам берилди.

Кiritилган муҳим ўзгаришлардан яна бири сайловнинг муқобиллик асосида ўтказилишидир. Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига икки ва ундан кўп номзод кўрсатилади. Бу фуқароларга раисни энг муносиб фуқаролар ичидан саралаб, танлаб олиш имкониятини беради.

Номзодлар кўрсатиш жараёнидаги янгиланган шўлардан иборатки, ишчи гуруҳ фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга доир ҳужжатларни тайёрлайди, туман (шаҳар) ҳокими билан келишиш учун тегишли комиссияга сайловдан камидан ўн кун олдин тақдим этади. Ҳужжатларга фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларнинг ўз номзоди кўрсатилишига ёзма розилиги илова қилинади. Шунингдек, туман

ёки шаҳар ҳокими фуқаролар йиғинлари раислари лавозимига тақдим этилган номзодларнинг ҳужжатларини кўриб чиқади ва ўзининг ушбу номзодлар бўйича ҳулосаларини кейинчалик ишчи гуруҳларга топшириш учун тегишли комиссияларга юборади.

Муҳим ўзгаришлардан яна бири фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга қўйилган талаб кучайтирилганлигидир. Хусусан, фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотга эга бўлиши, бевосита сайловга қадар камидан беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларида ёхуд тадбиркорлик ва бошқа ҳўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Яна бир янгиланган шўки, фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар тегишли ҳудудда доимий яшайдиган фуқаролар фикрлари инobat-га олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан кўрсатилади. Аввалги сайловларда ушбу лавозимларга номзодлар фуқаролар йиғини кўриб чиқиши учун фуқаролар йиғини раиси томонидан тақдим этилар эди.

Фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ўтказиш тартибига ҳам ўзгаришлар киритилди. Хусусан, фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ишчи гуруҳнинг раҳбари раислигида ўтказила-

ди. Шунингдек, фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларнинг ҳар бирига келгуси фаолият дастурини эълон қилиши учун сўз берилади. Ушбу қонданинг киритилганлиги фуқароларнинг у ёки бу номзодни сайлаш масаласига тўғри ёндашишига, номзоднинг фуқаролар йиғини фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ режаларидан хабардор бўлишига, раис бўлиб сайланган тақдирда, унинг фаолиятини назорат қилиб боришига замин яратади.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очик ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади. Овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини томонидан очик овоз бериш орқали қабул қилинади.

Овоз беришни ўтказиш тартибига киритилган ўзгаришга мувофиқ, фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчилари сайлов очик овоз бериш орқали ўтказилаётганда, овоз бериш ҳар бир номзод бўйича кўл кўтариш йўли билан амалга оширилади. Бунда фуқаролар йиғинида раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларни аввалги сайловлардагидек таклифлар келиб тушиш тартибига қараб эмас, балки алифбо тартибидан овозга қўяди. Бу ҳам сайлов жараёнининг муҳим босқичи ҳисобланган очик овоз бериш демократик асосда ўтказилиши учун ҳуқуқий кафолат яратади.

Шунингдек, фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар бўйича овоз бериш ўтказилгач, фуқаролар йиғинида раислик қилувчи фуқаролар йиғи-

ни раиси маслаҳатчилари лавозимига номзодларни алифбо тартибидан овозга қўяди.

Фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчилари сайлови яширин овоз бериш орқали ўтказилаётганда, фуқаролар йиғини иштирокчиларига санок комиссияси томонидан сайлов бюллетенлари берилади. Бюллетенга фуқаролар йиғини раиси, унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибидан киритилади.

Бюллетен овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўлдирилади. Аввалги сайловларда овоз берувчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг бюллетендаги фамилиясини ўчирар эди. Энди эса овоз берувчи бюллетеннинг ўнг томонида ўзи ёқлаб овоз бераётган фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчиси лавозимига номзоднинг фамилияси қаршида жойлашган бўш квадратга белги-крестик қўяди. Овоз берувчи тўлдирилган бюллетенни сайлов қутисига ташлайди. Сайлов қутилари овоз бериш тугагандан кейин санок комиссияси томонидан очилади.

Бундан ташқари, фуқаролар йиғинида иштирок этаётган фуқароларнинг айримлари овоз беришда иштирок этмаслиги мумкинлигини инobatга олиб, сайлов якунларини чиқариш тартибига ҳам тегишли ўзгариш киритилди. Яъни фуқаролар йиғинида ҳозир бўлган фуқароларнинг эмас, балки овоз беришда иштирок этганларнинг ярмидан кўпрогининг овозини олган номзод раис ёки унинг маслаҳатчиси лавозимига сай-

Эркин РЎЗМЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи комиссияси аъзоси

ланган ҳисобланади.

Агар бу лавозимларга икки нафардан ортик номзод кўрсатилган ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, фуқаролар йиғини энг кўп овоз олган икки номзод бўйича такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Такрорий овоз бериш чоғида бошқа номзодга нисбатан кўпроқ овоз олган номзод сайланган ҳисобланади.

Ҳулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайлови иштирокчилари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш, номзодлар ва уларнинг фазилатлари билан сайловчиларни таништириш ҳамда сайловга ошкоралик, муқобиллик ва тенглик тамойиллари асосида ҳозирлик кўриш, сайловчиларнинг сайловни тайёрлаш ва ўтказишнинг боришидан хабардорлигини ошириш энг муҳим талаблардир. Зеро, сайловни, Қонунга мувофиқ, юксак ташкилий-ҳуқуқий ва демократик руҳда ўтказиш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрнини мустаҳкамлашга, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилдан кўзланган мақсадларни рўйбга чиқаришга хизмат қилади.

Инвестициялар тараққийётга хизмат қилади

Иқтисодийни модернизация қилишда чет эл инвестицияларининг ўрни беқарор бўлиб, уларни республикамизга жалб этишдан мақсад ингор замонавий технологияларни юртимизга олиб келиш ва шу орқали иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда иқтисодийни ривожланишининг устувор йўналишларидан бири бўлмиш хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасидаги вазифалар ҳар томонлама кучайтирилмоқда.

Навоий вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги Қарори билан тасдиқланган 2013 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури ижроси юзасидан алоҳида назорат ўрнатилган. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг қарори қабул қилиниб, унга кўра, вилоятда 105 та лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган. Жумладан, қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича 9131,6 млн. сўмлик 24 та, умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларини қуриш ва таъмирлаш бўйича 7263,9 млн. сўмлик 15 та, соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш ва таъмирлаш бўйича 29323,0 млн. сўмлик 5 та, болалар спортини ривожлантириш жам-

куриш ва таъмирлаш бўйича 14117,0 млн. сўмлик 11 та, сўғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича 5387,8 млн. сўмлик 10 та, Навоий кон металлургия комбинати тизимида модернизация ва реконструкция ишлари бўйича 1922022,8 млн. сўмлик 20 та, Навоий эркин иқтисодий индустриал зонасида қурилиш ишлари бўйича 89894,4 млн. сўмлик 5 та, бошқа йирик sanoat корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш ишлари бўйича 3300216,9 млн. сўмлик 15 та лойиҳаларнинг амалга оширилиши белгиланган.

Ушбу лойиҳаларнинг 26 таси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, 20 таси таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағларидан, 11 таси болалар спортини ривожлантириш жам-

ғармаси ҳисобидан, 10 таси сўғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан, 22 таси эса ташкилотларнинг ўз маблағи ҳисобидан, 4 таси тараққийёт ва тикланиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан, 5 таси хорижий инвестициялар ҳисобидан, 4 таси Осиё тараққийёт банки маблағлари ҳисобидан, 3 таси Хитой ва Франция ҳукумати маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилган.


Жорий йилги Инвестиция дастурига киритилган жами лойиҳалардан 26 таси фойдаланишга топширилган, қолганларида қурилиш-таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Ҳозирги кунда фойдаланишга топширилган объектларда бажарилган ишлар аҳоли мутахассислар иштирокида назорат ўлчовидан ўтказилмоқда. Жорий йилнинг июль ойида мазкур йўналишда ўтказилган назорат тадбирлари давомида айрим қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Жумла-

Равшан ИБРАГИМОВ,
Навоий вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи

дан, 2012 йил октябрда тузилган шартномага асосан 210 кун муддатда қуриб битказилиш лозим бўлган Томди тумани Янги Томди марказидаги қақирув пунктини қуриш ишлари "Жумаш Оразкул" МЧЖ мансабдор шахслари томонидан ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бундан ташқари, МЧЖнинг бу ишга масъул ходимлари томонидан 2012 йилнинг март-декабрь ҳамда жорий йилнинг январь-июнь ойларида бажарилган ишлар юзасидан тузилган ҳисоб-фактура маълумотномасига сохта маълумот ва ёзувлар киритилганлиги ҳам фош бўлди. Улар ҳужжатларга амалда бажарилмаган 53,7 млн. сўмлик ишларни қўшиб ёзганликлари аниқланиб, вилоят прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилиб, бу иш қонуний ҳал этилди.

ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ



/Давоми.
Бошланиши 1-бетда/

Уз ишини йўлга қўйиш, фаолиятини кенгайтириб бориш учун кулай шарт-шароит ва имкониятлар яратилгани, солиқ қонунчилигининг тақомиллаштирилиши аҳоли кенг қатламларини иқтисодий фаолликка ундаётти. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш жадал суръатларда ривожланиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодидоғдаги салмоғи йил сайин ўсиб бормокда. Утган ярим йилда ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 1,4 фоизга ошиб, салкам 50 фоизга етди. Тадбиркорлар томонидан 1 трлн. 182,1 млрд. сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. 62,5 млн. доллар миқдоридоғи маҳсулотлар хорижга экспорт қилинди. Хорижга экспорт тариқбида хомашё, ярим фабрикатларга нисбатан таёёр маҳсулотлар миқдори ортиб бораётгани ҳам диққатга сазовордир.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан Республика Бош прокурорининг топшириқлари асосида тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун ва қонуности ҳужжатларининг ижросини таъминлаш устида доимий иш олиб бориляпти. Тадбиркорларнинг фаолиятларига fair competition аралашши ҳолатларининг олди олинмоқда. Уларнинг иш бош-лашлари, фаолиятларини кенгайтиришлари, банк кредити ажратилиши каби жараёнларда туғилмаётган турли муаммоларни ҳал этишда ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатиляпти.

Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга ва уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашши-
ларга барҳам беришга қаратил-
ган қонунлар, Президентимиз
фармонлари ва ҳукуматимиз
қарорларининг аниқ ҳамда
сўзсиз бажарилишини таъмин-
лаш борадаги прокурор на-
зорати тадбирларида аниқлан-
ган қонунбузилиш ҳолатлари
бартараф этилмоқда. Хусусан,
жорий йилнинг ўтган даврида
маҳаллий ҳокимликларнинг 13
та, назорат-тектирув органла-
рининг 19 та ноқонуний ҳуқуқий
ҳужжатларига нисбатан протест
келтирилиб, бекор қилинди ёки
қонунга мувофиқлаштирилди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг тўхтатилиши сабаблари атрофлича ўрганила-
япти. Кайтадан иш бошлаш им-
кониятлари мавжуд бўлган
ҳолатларда фаолиятини тик-
лашлари учун ҳуқуқий ёрдам
курساتилмоқда. Шу тарика про-
куратуранинг аралашуви билан
вилоятдаги ишламаётган 228
та тадбиркорлик субъектлари-
нинг фаолияти қайта тикланиб,
348 нафар фуқаро иш билан
таъминланди. Тадбиркорлар-
дан ишонч телефониари ор-
қали қабул қилинган 124 та му-

рожаат қонуний ҳал этилди. Бундан ташқари, прокуратура органлари томонидан рўйхатдан ўтказиш, кредит ажратиш, ҳомаёш таъминоти ва бошқа масалаларда тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатилиб, 135 та қўшимча иш ўринлари яратилишига эришилди.

Жойларда ташкил этилаётган учрашувларда янги тахрирдан қабул қилинган қонун ҳамда Президентимизнинг қарорлари билан фаолиятни бошлаш ва кенгайтириб бориш учун яратилган қулай ташкилий, молиявий, иқтисодий шарт-шароит ва имкониятлар ҳақида тўлақонли тушунча берилаётди. Таъдиркорлар ўртага ташлаётган муаммоларни ҳал этиш чоралари қўрилмоқда. Жумладан, бевосита мулоқотларда ишбилармонларнинг 11 нафарига 223 млн. сўмлик кредит ажратилиши, 212 нафарига рухсатнома ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш масалалари ҳал қилинди.

Қишлоқларда кичик бизнесни ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг кенг йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туман, шаҳар прокурорларининг таъаббуси билан қишлоқларда 507 та тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, фаолият кўрсата бошлади. Шунингдек, вилоят прокуратураси томонидан туман-шаҳар ҳокимликлари ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда амалга оширилган тадбирлар натижасида норасмий фаолият юритаётган 23 нафар тадбиркор рўйхатдан ўтказилди.

Тадбиркорлар томонидан яратилаётган янги иш ўринлари дала коллеждарда касб-хунар асосларини пухта эгаллаган битирувчи ёшлар меҳнат фасолиятларини бошлаётяпти. Уч томонлама шартномаларга биноан, шунингдек, прокуратура органлари ҳокимликлар, тегишли идоралар билан ҳамкорликда ташкил этаётган бўш иш ўринлари ярмаркаларида Ўзлар танлаган, касб-корларига мос иш ўринларига йўлланмалар асосида ишга жойлаштирилмоқда. Ишбилармон битирувчи ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиш борасидagi иштишлари қўллаб-қувватланаяпти. Хусусан, 1934 нафар битирувчига ўз фаолиятини бошлаши учун тижорат банклари томонидан жами 9 млрд. 548 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилиши таъминланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 28 январь кунги йиғилиши топшириқларига асосан, 2013-2015 йилларда Фарғона вилоятининг sanoat salohiyatini oshirish Dasturi ishlab chiqildi. Unda jami qiymati 243,8 mln. AQSh dollaridan iborat 443 ta loyihaani amalga oshirish, yangi ish urinlari yaratish kuzda tutilgan. Dastur

Фарҳод ЗУФАРОВ,
Фарғона вилоят прокурори

доирасида жорий йилнинг биринчи ярми учун белгиланган режа ортиғи билан адо этилди. 215 ўрнига 235 та лойиҳалар амалга оширилиб, 3338 та янги иш ўринлари яратилди.

Тадбиркорлар ишлаб чиқариш билан бирга, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини ҳам ривожлантиришяпти. Юридик, консалтинг, интернет хизматлари, сурғурта, молия ва банк соҳасида таклиф этилаётган янги хизмат турлари ва микро-и тобора ортомқда. Рақобат муҳити шаклланиб, хизматларнинг сифати яхшиланиб борапти. Жорий йилнинг иккинчи чорагида кўзда тутилганига нисбатан 31 та кўпроқ, яъни 899 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг кўпайтирилиши, фаолият доираларининг кенгайтирилиши ҳисобига 10 мингта яқин янги иш ўринлари вужудга келтирилди.

Қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар мубойидаги экин майдонларининг ҳақиқий эгалари — фермер ҳўжаликларига топирилиши, уларнинг ў меҳнатлари маҳсулига эгалик ҳўқуқининг таъминланиши тadbиркор деҳқонларни юқори пировард натижага эришиш, кўпроқ даромад олишга рағбатлантирмоқда. Ушбу иқтисодий омил туфайли сифатли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми муттасил равишда ортиб бормоқда. Аксарият фермер ҳўжаликларида контрактация шартномаларида кўзда тутилган миқдордан зиёд пахта, дон етиштириб беришмоқда. Аҳолининг мева-сабзавот, узум, полиз, картошка, озик-овқат маҳсулотларига эҳтиёжини тўқис қондириб, хорижа экспорт ҳажмини кўпайтиришапти.

Изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, кулай инвестиция муҳити, хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилгани тўғрисида вилоят иқтисодиёти юқори суръатларда ривожланмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳајми 3 трлн. 602,4 млрд. сўми ташкил этиб, 110 фоизга ўсди. Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноат маҳсулотларининг ҳајми қарийб учдан икки баробарга өтиб, 2 трлн. 208,3 млрд. сўми ташкил этди, унинг 99,6 фоизи нодавлат секторда ишлаб чиқарилди. Иқтисодиётнинг барқарор равишда, юқори суръатларда ривожланиши баробарида қурилишга йўналтирилган сармоялар ҳајми муттасил равишда өртайпти. Бунёдкорлик ишлари авж өлдирилиб, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўркак кўрк кўшилмоқда, турмушимиз обод бўлиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ўтказилаётган ислоҳотий, сиёсий-иқтисодий суд-хуқуқ ислохотлари натижа-сида бозор иқтисодлигига асосланган, фуқароларнинг ҳуқуқлари қонун ҳимоясига олинган, қонун устувор бўлган ҳуқуқий давлат, фуқаролик жа-миятининг мустақам асослари таркиб топмоқда. Тараққиёт-нинг ўзига хос ва ўзига мос йўлидан дадил одимлаб бора-ётган юртимизда қабул қилина-ётган қонунлар фуқароларнинг аҳол-иник, тинч-тотув ҳамда фаровон яшашлари таъмин-лашга хизмат қилапти.

Эркин фаолият кафолатлари

Равшан РАХМАТОВ.

СВОЖДЛҚК департаментининг Фарғона вилоят
бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи

Янги тахрирда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида"ги Қонун иқтисодий фаолиатни янада оширди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти кенг қўлоч ёйишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади. Қонуندا тадбиркорлик субъектларининг — белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиб фаолият юритаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ ва равшан белгилаб қўйилди. Вилоятимизда қонун ҳужжатларида таққиланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш, чекланмаган миқдорда фойда олиш, маҳсулотларини мустақил равишда белгиланган нархларда ёки шартнома асосида реализация қилиш, ишлаб чиқариш харажатлари қолғаниб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин даромадини эркин тасарруф этиш каби ҳуқуқларини тасарруф этиб, ўзлари тузган шартномалар, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, рақобат ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари борасидаги қонун талабларига риоя этиш каби мажбуриятларига амал қилган ҳолда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг сафи кенгаймоқда. Уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши ортиб бормоқда. Экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг 8,2 фоизи тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилоқда.


Конунда белгиланганидек, давлат органлари ёки бошқа ташкилотлар мансабдор шахслари қўний иш қўраётган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятлариغا аралашшига ҳақли эмаслар. Шунингдек, режали тартибда қўпи билан йилга бир марта амалга оширилиши, мажбуриятларини тўла ҳажмда адо этётган тадбиркорлик субъектлари икки йилда бир марта, кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер ҳўжаликларининг фаолияти тўрт йилда бир марта текширилиши, янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг фаолиятлари иш бошлаганидан эътиборан уч йил мобайнида текширилмаслиги белгиланган қўйилди.

Бош прокуратура ҳай'ат аъзослари қарорларида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, бошқармаимз томонидан тадбиркорлик субъектларининг қўнуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш босида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ишчи гуруҳи ташкил этилиб, шаҳар ва туманлардаги 283 т маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилган, салкам олти минг нафар тадбиркор иштирок этган йиғилишларда тадбиркорликка оид қўну, қўнуности ҳужжатларининг мазмун-моҳияти, ишбилармонларга яратилган имтиёз ва имкониятлар ҳақида батафсил тушунча берилди. Бевоcита жойлардаги уршувларда фуқаролар, тадбиркорлар ўртага ташлаган муаммоларни ҳал этиш, ушбу жараёнда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Ҳусусан, Бувайда туманидаги "Хол-пошро Қамбархожи" фермер ҳўжалиғи раҳбари А.Ақбаровнинг мурожаати ўрганилиб, қишлоқ ҳўжалиғи техникасини сотиб олиш учун "Агробанк"нинг Янгикўрган филиали мансабдор шахслари томонидан фермер ҳўжалиғига ажратилган 45 млн. сўм миқдоридagi қредит маблағининг талон-торож қилингани фшу этилди. Фермер ҳўжалиғига тракторни қредитга харид қилиб олишда амалий ёрдам қўрсатилди. "Қонизар моҳир қўллари" ҳусудий қорхонасига департаментнинг Ўзбекистон туман бўлими ҳодимларининг ҳуқуқий ёрдами билан "Микроқредитбанк" Қўқон филиалидан 15 млн. сўм миқдордаги қредит ажратилиб, қорхона фаолиятининг қайта тикланиши таъминланди.

Бошқарма томонидан солиқ базасини кенгайтириш, ноқонуний нақд пул айланмасининг олдини олиш, яширин ишлаб чиқаришга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, тадбиркорлар фаолиятига қонуний тус бериш жараёнида 74 та тадбиркорлик субъектларига қўрсатилган амалий ёрдам натижасида 246 та янги ва қўшимча иш ўринлари яратилиб, улар томонидан 122,1 млн. сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар қўрсатилишига, давлат бюджетига 40 млн. сўм соҳилар ҳисобланиб, тўланishiга эришилди. Хусусан, 14 та ҳолатда норасмий ишлаб чиқариш билан шугулланган шахслар давлат рўйхатидан ўтказилиб, фаолиятларига қонуний тус берилиши натижасида 8 та янги тартибда тадбиркор, 6 та юридик шахсини қонуний фаолияти йўлга қўйилди, 23 та қўшимча иш ўринлари яратилди.

Таъриботи тадбирларида, фуқаролар, тадбиркорлар билан бе-
восита мулоқотларда амалдаги қонун ҳужжатларини, эркин фа-
олият кафолатларини шарҳлаш билан бирга ҳаётий мисоллар
келтирилиб, соқилардан бўйин товлаш, норасмий фаолият
юртиш каби ғайриқонуний қилмишларнинг жамиятга, ҳуқуқбу-
зарнинг ўзига етказадиган зарари кўрсатиб берилмоқда. Солиқ
ва бошқа тўловлар фуқароларга хизмат қилувчи бюджет муас-
саса ва ташкилотлари фаолиятини, турмуш фаровонлигини
қўлқўтариб бoршини қўзлаб амалга оширилайётган мислсиз
бунёдкорлик ишларини молиявий таъминлашнинг манбаи экан-
лиги ҳақидаги тўшуунча сингдирилиб, солиқ тўловчиларнинг
масъулиятлари қучатирилмоқда.

Саҳифаларда Фарғона вилояти



Мурожаатлар қонуний ҳал этилмоқда

Туман прокуратураси томонидан ариза, шикоят ва таклифлар Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни талабларига қатъий амал қилинган ҳолда кўриб чиқилиб, мурожаат этган фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, юридик шахсларнинг қонуний даъволарини қаноатлантириш чоралари кўриб келинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида келиб тушган 99 та ариза ва шикоятларнинг 62 таси бевосита прокуратура томонидан кўриб чиқилиб, қонуний ҳал этилди. 37 таси эса қонуна белгиланган тартибда ҳал этиш учун беш кундан кечиктирилмай, ваколат доираси ҳамда тааллуқлилиги бўйича бошқа муассаса ва ташкилотларга юборилиб, қонуний ҳал этилиши назоратга олинди.

Туман прокуратураси томонидан кўриб чиқилган аризаларнинг 33 фоизи қаноатлантирилди. Масалан, "Чўлигулистон" қишлоқ фуқаролар йиғинининг "Бўтқачи" қишлоғида яшовчи Ш.Исмоиловнинг ўғлини ишга жойлаштиришда амалий ёрдам беришни сўраб ёзган мурожаатини ўрганиш жараёнида туман ХТМФМТЭ бўлими томонидан шу мазмунда муқаддам ёзган мурожаатлари тегишли тартибда ҳал этилмасдан, ташлаб қўйилгани аниқланди. Хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашган ходимлар

билан ишлаш бўлими бошлиғи А.Мадрохимовга нисбатан интизомий жавобгарликка доир иш қўзғатилиб, О.Исмоиловнинг тумандаги 23-мактабга ишга жойлаштирилиши таъминланди.

"Янгибод" қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Х.Саримсоқова ва бошқа фуқаролар сув омбори қурилишида "Беширик Сардор қурилиш" хусусий фирмаси ва "Russian avto qurilish" МЧЖга тегишли қурилиш объектида ишланган бўлишса-да, ушбу корхоналар раҳбарлари иш ҳақи тўлашни пайсалга солишган.

Ишчилар туман прокуратурасига иш ҳақларини ундириб беришни сўраб, мурожаат этишган, уларнинг аризасида кўрсатилган ҳолатлар тасдиқланди. Текшириш натижасига кўра, хусусий фирма ва МЧЖ раҳбарлари А.Юлдашев ва А.Обидовлар маъмурий жавобгарликка тортилди. Ёлланма ишчиларнинг 7 млн. 790 минг сўмлик иш ҳақларини ундириш хусусида фуқаролик ишлари бўйича судга қиритилган прокурор даъво аризалари қаноатлантирилиб, иш ҳақининг ундириб берилиши таъминланди.

Йил бошидан буён ўтган даврда туман прокуратураси томонидан фуқаролар мурожаатларининг ҳал этилиши мобайнида аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартафат этиш тўғрисида 2 та тақдимнома киритилди. 5 нафар шахс интизомий, 4 нафари маъмурий жавобгарликка тортилиб, 3 та ҳолатда ноқонуний қарорга нисбатан протест келтирилди. 13 млн. 790 минг сўмлик иш ҳақларини ундириш юзасидан судларга

даъво аризалари киритилди ва 49 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шу билан бирга, туман прокуратураси томонидан туман ҳокимлиги, тумандаги давлат бошқарув ва назорат органлари ҳамда бошқа муассасаларда фуқароларнинг мурожаатлари қонуний ҳал этилиши юзасидан тахлиллар ўтказилиб, натижасига кўра қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартафат этиш

ўрганилди ва қонуний ҳал этиш чоралари кўрилди.

Бу борада вилоят прокуратурасининг ташаббуси асосида вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, давлат ва нодавлат идораларининг вилоятда қонунийликни, криминоген вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, жойларда фуқароларни қабул қилиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида қабул қилинган қўшма буйруқ дастурий кўрсатма бўлиб хизмат қилмоқда. Қўшма буйруқ

Мирзохид ДЕХҚОНОВ,
Ёзёвон туман прокурори

асосида тузилган ва таркибига барча масъул идоралар раҳбарлари киритилган ишчи гуруҳлари томонидан туманининг ҳар бир маҳалласида йиғилишлар ўтказилиб, аҳолига амалдаги қонунлар, мамлакатда юз бераётган ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ўзгаришлар тушунтирилди, йиғилишларда тилга олинган муаммолар жойида ўрганилиб, ҳал этиш чоралари кўрилди.

Фуқаролик жамиятининг асосий тамойилларидан бири — давлат ва маҳаллий бошқарув органларининг мансабдор шахслари ва ходимлари фуқароларга хизмат қилишга даъват этилганлар. Фуқароларнинг мурожаатларига эътибор хизмат бурчига муносабатни қўзғатганда каби акс эттиради. Мурожаатларнинг пайсалга солинмай адолатли ҳал этилиши жойларда қонунийликнинг мустаҳкамланиши таъминлайдиган муҳим омиллар сирасига қиради.

Ижтимоий ҳимоя доимий эътиборда

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила фаровонлигини, аёлларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги қонунчилик тақомиллаштириб борилаётган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги қарори билан кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Унда болали кам таъминланган оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам миқдорларини белгилаш тартиби, нафақа ва моддий ёрдам тўлови кейинги календарь йилга ўтган тақдирда, тўлов энг кам иш ҳақининг йил бошидаги миқдорига мувофиқ амалга оширилиши каби қоидалар белгилаб қўйилди.

Низомда кўрсатилганидек, эндиликда фуқаролар йиғинларида нафақа ва моддий ёрдам таъинлаш комиссиялари таркиби 15 кишидан иборат бўлиб, унга обрў-эътиборли фуқаролар 2 йил муддатга сайланади. Комиссияга МФЙ раислари бошчилик қилади. Унинг аъзоларидан бири ваколат муддати даврида комиссия таркибини тарқатганда ўрнига бошқа фуқаро сайланади. Шунингдек, мурожаат этган фуқаро хонадонининг моддий шароитлари, эҳтиёжмандлиги даражасини аниқлаш, унга нафақа, моддий ёрдам тайинлаш ёки рад этиш тўғрисида ҳулоса чиқариш учун таркибига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи маслаҳатчилари, котиби, туман (шаҳар) бандликка қўмаклашиш Марказининг ҳудудга бириктирилган ходими киритилган 5 кишидан иборат мах-

сус комиссия ташкил этилади. Заруриятга қараб унинг таркибига давлат солиқ инспекцияси ва молия идораси вакиллари киритилиши мумкин.

Низомга кўра, болали оилаларга, икки ёшгача бола парвариши учун нафақа ва моддий ёрдам оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган даромад миқдори аниқланаётган давр учун белгиланган энг кам иш ҳақининг бир ярим баробаридан ортик бўлмаган ҳолларда тайинланиб, тўлов фуқаро мурожаат қилган ойнинг кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади бошланади.

Эндиликда оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик даромад миқдори нафақа ёки моддий ёрдам учун ариза берилган ойдан олдинги уч ой мобайнида оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзолари ўртача ойлик даромадлари қўшиб ҳисобланишдан ҳосил бўлган миқдорни оиланинг барча аъзолари сонига бўлган ҳолда аниқланмоқда. Киши бошига ўртача даромадчи аниқлаш учун ишлатилган оила аъзоларининг ҳисоблаб чиқилган жами даромадлари таркибига ўша оила Низомда назарда тутилган тартибда олаётган нафақа ёки моддий ёрдам қўшилмайди. Шахсий ёрдамчи (деҳқон) ҳўжалигини юритишдан олинмайдиган норматив даромад ҳўжаликда фойдаланилаётган сотихларни нафақа ёки моддий ёрдам сўраб мурожаат этилган ойдаги энг кам ойлик иш ҳақининг 0,2 миқдорига қўпайтириш йўли билан аниқланади.

Ҳар бир ариза мурожаат этган фуқаро ёки оиланинг вакили иштирокида алоҳида кўриб чиқилади. Комиссия йиғилишига келмаган фуқарога нафақа ёки моддий ёрдам пули тайинлаш масаласини кўриб чиқиш кейинги йиғилишга қўйдирилади. Шунингдек, ариза қаноатлантирилган тақдирда, 14 ёшгача бир болали, икки болали, уч ва ундан ортик болали оилаларга тайинланадиган нафақаларнинг миқдори аниқлашдан белгилаб қўйилди.

Ижтимоий адолат тамойиллари асосида тузилган мазкур Низом қоидаларига риоя қилган ҳолда, очик ва ошкора тарзда, ҳақиқатда эҳтиёжманд, муҳтож оилаларга нафақа ва моддий ёрдамни манзилли йўсинда тайинлашни, ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан мақсадга мувофиқ ва самарали фойдаланишни таъминлаш йўлини ўзи бошқариш органларининг масъулиятли вазифаларидандир.

Туман прокуратураси томонидан ижтимоий ҳимоя бора-сидаги қонунчиликка риоя этилиши таҳлил этиб борилаётган. Таҳлилларда оиланинг даромади ҳақида тўлиқ маълумотлар олинмасдан нафақа тайинлангани, шунингдек, мурожаати қаноатлантирилган хонадонларга фарзанди вояга етган ёки икки ёшгача бўлгандаги кейинги оилар учун ҳам нафақа тўлови давом эттирилгани каби қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Хусусан, "Фиштон" қишлоқ фуқаролар йиғи-

Нуриддин АСКАРОВ,
Қўштепа туман прокурорининг катта ёрдамчиси

нига мурожаат этган фуқаро Ш.Қорабеванинг бир нафар воғга етмаган фарзанди учун 6 ой муддатга нафақа тайинланаётганида меҳнатга лаёқатли ўғилларининг даромадлари тўғрисида маълумот олинмаган.

"Халқобод" қишлоқ фуқаролар йиғинининг қарори билан фуқаро О.Шерматовга оиласининг даромади ҳақида ҳеч қандай маълумот олинмасдан, 2 ёшгача бола парвариши учун жорий йилнинг март ойдан бошлаб 12 ойга нафақа тайинланган.

Таҳлилларда, чиндан муҳтож оиланинг даромади нотўғри ҳисобланган, нафақа тайинлашни рад этиш ҳақида қонунга зид қарор қабул қилинган ҳолатлар ҳам аён бўлди. Чунинчи, "Янги дўкон" маҳалласида яшовчи Д.Абдурахимов хонадонининг тормоқча ер майдонидан олаётган даромади 191 минг сўм бўлган ҳолда 382 минг сўм, деб нотўғри ҳисобланиши натижасида 2 ёшгача бола парвариши учун нафақа тайинлаш рад этилган.

Танлов асосида қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилган таҳлилларда аниқланган юқоридаги каби қонунбузилиш ҳолатларини бартафат этиш учун 1 та тақдимнома киритилди. 3 та қонунга зид қарорларга нисбатан протест келтирилиб, 3 нафар фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Туман прокуратураси томонидан жойлардаги тадбирларда ижтимоий ҳимояга оид қонун ва қонуности ҳужжатларининг мазмун-моҳияти шарҳлаб берилмоқда. Уларга қатъий амал қилиш борасида ҚФЙ ва МФЙ раислари ҳамда нафақа тайинлаш комиссиялари масъулиятини кучайтириш чоралари кўрилмоқда.



Боланинг ижтимоий ҳимояга доир ҳуқуқлари

Республикада боланинг ижтимоий ҳимояга доир ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланган. Аҳолини, шу жумладан, болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлатнинг энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. 1959 йилдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги декларацияда болага қонун ва бошқа воситалар орқали алоҳида ҳимоя таъминлаш учун ва жисмоний, руҳий, маънавий ва ижтимоий соҳада соғлом ва нормал тарзда, эркинлиги ва қадр-қиммати ҳимояланган ҳолда ривожланиши учун имкониятлар ва яхши шароитлар яратиш лозимлиги таъкидланган.

Бундай имкониятлар, авваломбор, Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни, яъни Конституцияда мужассамлашган бўлиб, унга қўра, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир (45-модда). Конституциянинг 64-моддасига қўра, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг вазифаларидан махрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

Бугунги кунда мамлакатимизда бола ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларни таъминлашга оид 100 дан ортиқ қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Бунда 2008 йил 7 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни муҳим ўрин тутди. Мазкур қонуннинг 3-моддасида "ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар" тушунчаси таърифланган. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар, яъни ногирон, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган, етим, ота-она қарамоғидан махрум бўлган, ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган, кам таъминланган оилалардаги, жиноий жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларидаги, зўравонлик ва эксплуатация, қуролли жанжаллар ва табиий оқшолар натижасида жабрланган болалар — юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимояланишга ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож болалар ҳисобланадигар.

Мазкур қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича фаолиятларининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

2007 йилнинг 23 январиди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори билан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича давлат ва жамият фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланди. Шу йилнинг ўзида ҳукумат томонидан 2011 йилгача амалга ошириладиган Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг фаровонлигини ошириш стратегияси қабул қилинди. Унинг асосида аҳолининг заиф гуруҳларини ижтимоий ҳимоялаш бўйича ҳам чоралар амалга оширилди.

Ҳозирги кунда республикада кўпчилик асосида фуқароларни ижтимоий таъминлашнинг қуйидаги турлари белгиланган: меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича нафақалар; ҳиммалдорлик ва туғиш бўйича нафақалар; ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа; ёшга доир пенсия, ногиронлик, бо-

қувчисини йўқотганлик пенсиялари; ишлаб чиқаришда жароҳатланганда ёки касб касаллигига учраганда зарарни қоплаш; ишсизлик бўйича нафақалар; болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, фуқароларнинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқларини кафолатлашни кучайтириш мақсадига Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (175-2-модда) бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатлар тўлови учун пул маблағлари бериш банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан асоссиз равишда кечиктирилганлиги учун жавобгарлик белгиланган.

"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, болаларга боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тўлаш тизими шаклланди бўлиб, унга қўра, фарзандларга пенсия улар боқувчисининг қарамоғида турган-турмаганидан қатъи назар тайинланади. Бунда боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқини фарзандликка олинган болалар билан ўғай ўғил ва ўғай қизлар ҳам сақлаб қолади.

"Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунга қўра:

— ногирон болалар катталар каби техника воситалари ва бошқа воситалар, тиббий, касбий, ижтимоий реабилитация ва маънавий хизмат кўрсатиш, транспорт хизмати кўрсатиш, дори-дармонлар билан таъминланади;

— ногиронларга ва оила аъзоларидан бири ногирон бўлган оилаларга уй-жой бериш, уй-жой сотиб олиш, қуриш ва улардан фойдаланиш юзасидан енгилликлар Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой тўғрисидаги кодексига белгилаб берилган. Ота-онаси йўқ ногирон болалар, вояга етганларидан сўнг муваққат ҳаёт кечиришлари учун навбатдан ташқари турар жой билан таъминланадигар;

— бола икки ёшга етгунга қадар ҳақиқатда уни парвариш қилган шахсларга болани парвариш қилиш нафақаси тайинланади ва фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш органлари томонидан тўланади;

— ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун болалар шохобчалари, оилавий болалар уйлари, болалар интернатлари, болалар тиббий муассасаларининг таъминоти ва моддий-техника таъминлини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бундан ташқари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари кинотеатр, кўргазма, музей, спорт иншоотларига бепул киришга ҳамда жамоат транспортларидан, шу жумладан метрополитендан (таксилардан ташқари) бепул фойдаланишга

ҳақли. Шу билан бирга, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим олаётган етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар ҳам тўла давлат таъминотида бўлиб, уларнинг шахсий харажатлари учун ҳамда озиқ-овқат, кийим-бош, пойафзал ва шахсий гигиена воситалари учун пул маблағлари тўлиниши белгиланган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича давлат ва жамият томонидан комплекс чора-тадбирлар қабул қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 сентябрдаги 419-сонли қарори билан Республика болалар ижтимоий мослашув маркази ташкил этилган. Унинг вазифаси ҳимояга муҳтож болаларга ижтимоий ёрдамни таъминлашда миллий институтлар фаолиятини уйғунлаштиришдан иборат бўлиб, марказ фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида:

— ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳдаги болалар (ногиронлар, психологик-жисмоний ривожланишида нуқсонли бўлган болалар, оғир сурункали касалликлар билан азобланадиган, етим болалар ва ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қарамоғисиз қолган болалар, нотинч оилалар болалари, тарбия колониялари ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида бўлган ижтимоий-ҳуқуқий хатар гуруҳидаги болалар) муаммосини чуқур ўрганиш;

— аниқланган муаммоларни ҳал қилиш юзасидан мақсадли маъмувий дастурларни ишлаб чиқиш ва уларнинг юзага келиш хавфини пайсатириш;

— давлат дастурлари ва мақсадли гуруҳларга тааллуқли жамоатчилик лойиҳаларини бажариш мониторинги, шунингдек, бу тадбирларни амалга ошириш самарадорлигини кўтариш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

— болаларнинг алоҳида ногор гуруҳларини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий мослаштириш соҳасида маҳаллий ва ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда умумлаштириш, болаларнинг ижтимоий мослашуви масалалари билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат муассасаларининг амалий фаолиятини улардан фойдаланиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

— мақсадли гуруҳдаги болалар билан ишловчи мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ўрганиш, замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

— болаларнинг ижтимоий мослашуви масалалари бўйича ўқув-услубий қўлланмалар сифатини таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш белгиланган.

Давлатнинг ижтимоий вазифасини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда Меҳнат, Оила, Уй-жой кодекслари, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар солиғини сақлаш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Фу-

қароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида"ги, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий сургутаси тўғрисида"ги ва бошқа қонунлари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

2010 йил 2 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 164-сонли "Етим болалар ва ота-оналар қарамоғидан махрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан тасдиқланган Низомда етим болалар ва ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларни турар жой билан таъминлашда вилот ва шахар маъмуриятининг мажбурий батафсил қўрсатилган. Бу ҳужжатда хусусан, ўзларига бириктирилган турар жойга эга бўлмаган ва турар жойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар, ота-она қарамоғидан махрум бўлган болалар, улар тоифасига кирадиган 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган шахслар турар жой олиш ҳуқуқига эгалиги эътироф этилган. Етим болаларга ва ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларга турар жойлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан мақсадли коммунал уй-жой фондидаги уйлардан ёки вақтинча фойдаланилмаётган, давлат мулки бўлган ётоқхоналардаги, уй-жойлардаги ҳамда қўп квартиралар уйлардаги бўш турган квартиралардан берилди.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари бўш турар жой бўлмаганда етим болалар ва ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларга ижтимоий нормадан кам бўлмаган уй-жой майдони бўлган турар жойни сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ёки тегишли ҳокимликларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мақсадли бюджет трансферти берадилар. Ушбу Низомга мувофиқ бериладиган, шу жумладан, мақсадли бюджет трансфертлари ҳисобига сотиб олинган турар жойлар хусусийлаштирилмайди. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларга турар жой олиш ҳуқуқи бир марта берилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 5 февралда рўйхатга олинган "Ота-оналар томонидан болаларнинг мусиқа ва санъат мактабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низомга қўра, ушбу муассасаларга қатнаётган етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалардан тўлов олинмайди. Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларига нисбатан ҳам ҳудди шундай тартиб мавжуд. Етим болалар томонидан ушбу муассасаларга бепул қатнаш Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг 2006 йил 10 февралдаги 84-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотла-

Бахтиёр ПУЛАТОВ,
Бош прокуратуранинг
ОЎК кафедра бошлиғи

ри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Низомда кафолатланган.

Ҳарбий академик лицейларга ўқишга топшираётган етим болалар устунликка эгадирлар. Умумий рейтинг ўтиш баллари тенг бўлиб қолган тақдирда етим болалар ҳарбий академик лицейга имтиёзли кириш ҳуқуқига эга бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 29 ноябрдаги 247-сонли Қарорида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни моддий таъминлаш нормалари тасдиқланган. Ушбу ҳужжатда овқат, кийим-бош, пойафзал ва бошқа буюмлар, шунингдек шахсий гигиена буюмлари билан таъминлаш нормалари, шунингдек, тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларга турар жойларнинг шахсий харажатлари учун ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорини пул маблағлари тўлови белгиланган.

Республикада болаларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоясига доир улкан ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, амалиёт бу борада бир қатор ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий муаммолар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда. Уларнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш долзарб масала ҳисобланади.

Болалар нафақаларини берувчи фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш органлари, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ болалар ва уларнинг ота-оналарига ижтимоий ёрдам кўрсатувчи ижтимоий таъминот органлари, таълим ва тиббиёт муассасалари ва бошқа тузилмалар томонидан болаларнинг ижтимоий ҳимояга доир ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари кузатишмоқда.

Прокуратура органлари томонидан ўтган 2012 йил давомида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир қонунлар ижроси юзасидан текширишлар натижасида 4,5 мингдан зиёд прокурор назорати ҳужжатлари қўлланган, 300 млн. сўмдан зиёд зарарлар иқтиёрий қопланилиши таъминланган ва 342 млн. сўмдан зиёд нафақа ва моддий ёрдам пулларини ўндириш тўғрисида судга аризалар киритилган, мингдан зиёд фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланган.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг "Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан бу ўлгани, шу муқаддас заманини яна ҳам бой, қучли ва қудратли ҳолатда қолди қилиб олишлари учун, биз буюк аجدодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этаятган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш — бизнинг фуқаролик бурчимиздир", деган фикрлари юқоридаги масалаларни ҳал қилишда ҳаммамизга дастур вазифини бажариш лозим.

Демократик қадриятлар устувор бўлган жамиятда инсоният осуда, фаровон, энг асосийси, соғ-саломат яшашиният қилади. Шундай экан, мустақилликка эришилган кезлардан бошлаб, юртимизда муносиб турмуш шароити яратиш, аҳоли саломатлиги, айниқса, ёш авлоднинг ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлиши масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.



Инсон саломатлиги — давлат ҳимоясида

Маълумки, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавфсиз шарт-шароитларда яшаш, юқори малакали тиббий хизматдан фойдаланиш мамлакатнинг Асосий Қонунига биноан, унинг конституциявий ҳуқуқи ҳисобланади. Шу ўринда 1996 йилда қабул қилинган "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим аҳамият касб этиб, у фуқароларнинг соғлиқни сақлашга оид ҳуқуқлари давлат томонидан қафолатлаштирилиши таъминлаш, фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, давлат органлари, корхоналари ва муассасалари, ташкилотлари, жамоат бirlашмаларининг фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга хизмат қилиб келмоқда.

Бундан ташқари, 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг махсус Давлат дастури қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда юқумли ва вирусли касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг одамнинг иммунитет танқислиги вирусини (ОИВ) чақирадиган ОИТСдан ишончли ҳимоя қилиш бўйича санитария-эпидемиология тизимини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди.

Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини (ОИВ) келтириб чиқарадиган ОИТС касаллиги бутунги кунда ҳаёнинг барча мамлакатлари учун бир неча йилдирки, жиддий муаммо бўлиб келмоқда. Мазкур хасталикнинг ижтимоий хусусияти авваламбор, аҳолининг меҳнатга қобилиятли қисмини маҳз-этиш, иккинчидан, касалликка чалинганларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш қафолати ва унга кетадиган сарф-харажатлар, учинчидан ва энг ачинарлиси, соғлом авлод баркамоллигига салбий таъсир кўрсатиши, тўртинчидан, аксарият ҳолларда касалликнинг ривожланиши

жамиятда маънавий-ахлоқий муҳит бузилишида намоён бўлади. Мазкур иллатнинг ўз вақтида олди олинмаса, комплекс чора-тадбирлар кўрилмаса, бу ҳам маънавиятга, ҳам иқтисодиётга, тараққиёт ва барқарорликка, керак бўлса, юртининг халқаро майдондаги обрўсига ҳам салбий таъсир кўрсади.

Ўзбекистонда ушбу иллатнинг олдини олиш борасида мунтазам равишда тизимли ишлар олиб боришмоқда. 1999 йил 19 августда "Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун ўтган давр мобайнида касалликнинг олдини олиш, тарқалишига қарши кураш борасида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Аммо ҳаттир бир маконда муаллақ турмайди. Ўтган давр ичида тиббий илм-фан ҳам, даволаш-диагностика технологиялари ҳам янада такомиллашди, ОИВ касаллиги тарқалишига қарши кураш масаласига ёндашувлар халқаро миқёсда ўзгарди. Давлатимиз томонидан мазкур масалага ўз вақтида муносабат билдирилганлигига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори мисол бўла олади. Ҳужжатга асосан қабул қилинган Ҳукумат қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг тарқалиши профилактикаси бўйича савий-харажатлар миллий режаси, Республика ОИТСга қарши кураш марказининг ва минтақавий марказларнинг намунавий тўзилмаси ва низоми тасдиқланди.

Соҳадаги ишлорлар пировардида, 2013 йил 22 августда Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида "Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши кураш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни сенаторлар томонидан маъқулланиб, у 24 сентябрь кунги матбуотда эълон қилинди.

Янги қабул қилинган ҳужжат аввалги қонундан бирмунча фарқ қилади. ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш масалаларига қаратилган эски қонуннинг номлашини ОИВ касаллигининг олдини олиш тўғрисида бўлиб, унинг мазмунини ҳам асосан касаллик профилактикасига қаратилган эди. ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш масаласи "ОИВ касаллигининг олдини олиш"га нисбатан бир мунча кенг тушулунча бўлиб, у касалликнинг олдини олиш, диагностика ва даволаш каби масалаларни ҳам қамраб олади. Амалдаги қонунда ОИВ касаллигига "одамнинг иммунитет танқислиги вирусини оқибатида келиб чиққан ўта хавфли юқумли касаллик", деб таъриф берилган бўлса, маъқулланган қонунда ҳозирги замон тиббиёт фани эришган ютуқлар ҳамда амалиёт натижаларидан келиб чиқиб, "ўта хавфли" жумласи чиқариб ташланди. Шунингдек, қонунда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашни ташкил қилиш бўйича ягона тизимга кирувчи давлат органлари ҳамда уларнинг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди. Унда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг бу борадаги иштироки қонуний асослари мустаҳкамлаб қўйилганлиги диққатга сазовордир. Шунингдек, қонунда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси ва унинг давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла-

Умиджон МУҲАМЕДОВ,
Бош прокуратура бўлим
катта прокурори

ри ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ўтказиладиган ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир тадбирларни мувофиқлаштиришга оид ваколатлари, Республика ва жойлардаги ОИТСга қарши курашиш марказлари фаолиятининг қонуний асослари белгилаб қўйилди.

Қонунда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасида давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш мажбурияти қайд этилди. Ниҳоят, қонунда тиббий текширув турлари — ихтиёрий, шартли ва мажбурий тиббий текширувлардан ўтиш тартиби алоҳида белгилаб қўйилди. Унга қўра, ихтиёрий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш текширувдан ўтаётган шахснинг хоҳишига қўра, мажбурийликка риоя этилган ҳолда амалга оширилади. Қон, биологик суюқликлар, одам органлари ва тўқималари донорлари, эллик ёшгача бўлган никоҳланувчи шахслар, ҳомилдор аёллар, инфекция орқали гиёҳвандлик воситаларини истеъмол этишда гумон қилинаётган шахслар, ОИВни юқтириб олган оналардан туғилган болалар, ўз фаолиятида қон, биологик суюқликлар, одам органлари ва тўқималари билан ишловчи тиббий ходимлар, жинсий шеригида ОИВ аниқланган шахслар мажбурий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказилиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Мажбурий текширувдан ўтиш учун асосларнинг аниқ ва лўнда белгилаб қўйилиши бу соҳада инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишини, турли хил талқин қилишларни, ўзбошимчаликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2001 йил 27 июнда қабул қилин-

ган "ОИВ/ОИТСга қарши кураш ишларида тарафдорлик тўғрисида"ги Декларациясининг талабларидан келиб чиқиб, ОИВ касаллигига чалинганларнинг камситилишига олиб келиши мумкин бўлган эски тахрирдаги қонуннинг 6-моддасидаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудига турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларда ОИВ касаллиги аниқланган тақдирда, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборилиши мумкин", 12-моддасидаги "Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари Ўзбекистон Республикасига келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, улар ўзларида ОИТС/ОИВ касаллиги йўқлигини тасдиқловчи сертификатни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда тақдим этганлари тақдирда, Ўзбекистон Республикасида кириш учун виза берадилар", деган қоидалар янги қонунда эски эътирилмади. Шунингдек, эски қонунда баъзи атамаларнинг, масалан, бир моддада "ОИТС/ОИВ касаллиги" тарзида берилган бўлса, айрим нормаларда ОИВ ва ОИТС терминлари алоҳида ёки фақат якка ҳолда ишлатилганлиги ҳолатлари тушунмовчиликларни келтириб чиқараётган эди. Янги қонунда бундай ҳолатлар бартараф этилиб, атама ва терминларнинг мутаносиблиги таъминланди.

Кези келганда, фуқаролар соғлиқни сақлаш бўйича миллий қонунчилик тажрибамизнинг бошқа давлатлар учун ўрганса бўладиган жиҳатини ҳам эътироф этиш жоиз. Сабаби, дунёнинг ривожланган давлатларининг бирорчасида ҳам шу тарика аталган қонун мавжуд эмас.

Янги қонун фуқароларнинг одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган сурункали юқумли иммунитет танқислиги касаллигидан самарали ҳимоя қилиш, бу соҳада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг куч ва имкониятларини бirlаштириш, ОИВ билан зарарланганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларни ижтимоий муҳофаза қилишни мукамал тарзда қонун доирасида мустаҳкамлаб берди.

Прокуратура органлари ўз навбатида, фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган қонунчилик тарғиботи ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда мазкур қонуннинг муҳим жиҳатларини, мазмун-моҳиятини кенг омма эътиборига етказишга алоҳида урғу беришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадбир

Одам савдоси — трансмиллий жиноят

Норин туманида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Наманган вилоят ҳамда Норин туман прокуратуралари ташаббуси билан ўтказилган тадбир Одам савдосига қарши курашиш бўйича Норин туман ишоралараро комиссияси томонидан олиб борилаётган ишлар — одам савдосидан жабр чеكкан фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринларини яратиш масалаларига бағишланди.

2008 йил 17 апрелда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан юртимизда одамларнинг яширин трафикига қарши курашиш ҳамда унинг қурбонларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Қонун қабул қилингандан сўнг, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, 2008 йилнинг 8 июлида

Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Ўз навбатида, қонундаги ҳужжатлар асосида 2008 - 2010 йиллар мобайнида шу йилларга мўлжалланган миллий режа ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги "Одам савдоси жабрдийдаларига

ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори бу борадаги муаммолар ечимига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Марказнинг 20 нафардан иборат тўзилмаси ва уларнинг фаолият мезонини белгилловчи Низом одам савдоси жабрдийдаларини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имкониятини янада кенгайтирди.

Қайд этилдики, тумандаги маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчилари, профилактика нозирлари, маҳалла посбонлари ва бир гуруҳ фаоллар иштирокида тузилган комиссия томонидан 39 мингдан зиёд хонадонда ўтказилган хатлов тадбирида 4 мингдан ортиқ киши четга иш излаб кетганлиги аниқланган. Аҳоли орасида олиб

борилган кенг қамровли тушунтириш ишлари, тарғибот-ташвиқотлар, хусусан, комиссиянинг 25 марта ўтказган йиғилиш қарорларини амалга ошириш, айниқса, 10 мингга яқин учрашувлар, суҳбатлар натижасида ҳозирги кунда 554 нафар киши ўз уйига қайтарилган ва тиббий қўриқдан ўтказилган ҳолда ўзларига маъқул бўлган иш жойларига жойлаштирилган. Шу йилнинг 9 сентябрга қуни ўтказилган меҳнат ярмаркасида эса, 44 та ташкилот, корхона ва муассаса 455 та бўш иш ўрни билан иштирок этиб, 201 нафар колле битирувчилари ишга жойлаштирилган.

Савдолим АБДУРАҲМОНОВ,
журналист

Бармоқлар ишорасидаги рақам

Бармоқлар ишораси билан кўп нарсани аниқлаш мумкин. Баъзилар ҳаётда рўй берадиган воқеа-ҳолатларни ёки ўзaro инсоний муносабатларни бармоқлар ёрдамида бемалол сўзлаб бера оладилар. Оғзаки нутқимиз қай даражада жозибали бўлмасин, қунаалик турмушимизда "бармоқлар тили"га ҳам тез-тез мурожаат қилиб турамыз. Ва бу тил баъзи ҳолларда ўзининг ифода кучи билан оғзаки нутқимизга нисбатан ҳам чуқурроқ мазмунни бериш имкониятига эга.



Отабек ТОҒАЕВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси
АМИБ терговчиси
Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Huquq»

Элбек Раҳимов пора талаб қилишда ана шу тил имкониятларидан фойдаланишни маъқул кўрди. Ички ишлар идораларида хизмат қилиш ниятида маслаҳат олиш учун келган йигит унинг ишорасини тушунди. Стол ортида ўтирган одам бармоқлари воситасида "6" рақамини кўрсатиб турарди. "6000 доллар!" Қарши шаҳар ички ишлар бўлими ёнғин хавфсизлиги 1-ХЕҲО 5-ХЕҲҚ бошлиғи Элбек Раҳимов ҳузурига келган йигитдан ана шунча миқдорда пора сўрамоқда эди.

Порахўрлик — жиноят. Шу жиҳатдан қараганда, пора берувчи ҳам жиноятчи. Чунки, у порахўрнинг "тегирмони"га сув қуяди" ва бу билан унинг мақсади амалга ошишига кўмаклашади. "Ўйлаб кўр, йигит, бу сенга маъқулми? Ахир сен сержантлик мактабида ўқимокчисан. Айни пайтда ички ишлар ходими бўлиш ва жиноятчиликка қарши курашишни ният қилгансан. Бугун ўзинг порахўрга ёрдам бериб, жиноят содир бўлишига ҳисса қўшсанг, эрта бундай нуфузли идорада қандай ишлайсан?"

Йўқ, сен жиноятчиликка қарши курашишни мана шу лаҳзадан, мана шу кабинетдан, стол ортида ўтириб, ўз

мансабидан фойдаланиб пора талаб қилишда ва бармоқлари билан пора миқдорига ишора қилиб турган мана шу одамдан бошлашинг керак!"

Йигит шунга қарор қилди. У 2013 йил февралда бир ойлик сафарбарлик ҳарбий хизматини ўтаб келган ва сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиш ҳамда ички ишлар идораларига хизматга кириш ис-тагида эди. Аммо пора унинг йўлини тўсди. Бу тўсиқни олиб ташлашда ўзида етарли куч ва журъат борлигини ҳис қилди йигит.

Хуллас, Элбек Раҳимов пора олаётганда жиноят устида қўлга тушди. Бундан кейин бошлангичан жараён ўзингизга маълум. Жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Дастлабки тергов органи ишни судга оширди.

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди шу йил 17 июлда бўлиб ўтган очик суд мажлисида мазкур ишни қўриб чиқди. Э.Раҳимовга (унинг судда берган кўрсатувига қараганда) ички ишлар бўлимида ишловчи бир курсдоши телефон қилиб, Отабек исмли жияни сержантлик курсига ўқишга кирмоқчилигини айтиб, ёрдам сўрайди. Э.Раҳимов рози бўлади ва Отабекни маъмурий идора олдида қўтиб ола-

ди. Унга бир танишига телефон қилганлигини ва ўша таниши 6 минг доллар эвазига "илтимос"ни бажариши мумкинлигини айтади. 2013 йил 16 апрель кун Отабек Рўзиевнинг кабинетига кириб, айтилган суммани олиб келганлигини билдиради. "Аслида бу гапни Отабекни ишонтириш учун ўзим тўқиб чиқарган эдим. Ўша танишим Отабекни сержантлар мактабига кириштириш ваколатига эга эмасди ва унга телефон ҳам қилмаганим", дейди ўз кўрсатувида Элбек Раҳимов. "Ундан пулни олиб, шундан 100 купюрадаги долларлардан бири қалбакига ўхшашигини айтдим ва уларни хона деразасининг ташқи томонидаги тоқчасига қўйётганимда хонага кириб келган кишилар ўзларини МХХ ходимлари, деб таништиришди".

Ҳа, темирни қизигида босганга нима етсин. Қонун ҳимоячилари ўз бурчларини бажардилар. Зеро, бошқа барча жиноятлар каби порахўрликка қарши ўтказила-дан чора-тадбирлар ҳамиша ва ҳар қандай вазиятда ҳам тез-корликни талаб этади. Бу ил-

латни таг-томири билан йўқотиш нафакат ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар, балки ҳар бир фуқаронинг қалб амри бўлиши керак. Чунки, порахўрлик қайси бир ташкилот, корхона ёки муассасада рўй бермасин, шу идора ва унинг раҳбарига нисбатан меҳнат аҳлида ишончсизлик уйғотади.

Афтидан, Отабек Рўзиев ҳам буни тўғри тушунган эди. Шу боис, у судда қуйидагича кўрсатув берди: "2013 йил 8 апрель кун Э.Раҳимовнинг олдида бордим. У ишга қабул қилиш учун фуқаролик паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномасини ва ҳарбий билетини олиб келишимни айтди. Келишилган кунни борганимда у ишхонада йўқ экан. Телефонлашдик. Шундан аввал 4 апрель кун учрашганимизда у бармоқлари билан кўрсатиб, 6 минг доллар олиб келишимни "айтган" эди. Унинг хатти-ҳаракатлари ноқонуний эканлигини билиб, порахўрга нисбатан чора қўриш ҳақида ариза билан тегишли идорага мурожаат қилдим. 2013 йил 16 апрель кун Э.Раҳимовнинг хизмат хонасига бордим".

Албатта, Отабек қуруқ қолмаган эди. Юқорида айтганимиздек, Э.Раҳимов порани олаётиб, жиноят устида қўлга тушди. Суд ҳайъати томонидан судланувчи Э.Раҳимовга нисбатан жазо тайинлашда айбига иқдор бўлгани ва пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлиги, оилавий шароити ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни ҳисобга олди, албатта.

Суд Жиноят кодексининг тегишли моддаларига қўра, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан 2 йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этгани ҳолда, 6 йил 3 ой озоқликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Олти йил уч ой! Бу рақамларни ҳам бармоқлар ишораси билан кўрсатиш осон, аммо умрнинг бебаҳо лаҳзаларини маҳкумликда, жазо колонияларида ўтказиш осон иш эмас. Бундай жазога маҳкум этилган киши энди ҳар бир кунни бармоқ билан санаб ўтказди.

Жаҳолат тифи



Суд уни ўн олти йилга озоқликдан маҳрум этишга ҳукм қилди. Жаҳл келса, ақл қочади, деганларидек, ўша кун бирон-бир яқин киши эсингни йиғиб ол, дея ўн тўққиз яшар йигитни шаштидан қайтара олганида, балки, у газабини ичига қўиб, орани очик қилишни кейинги кунга қолдириши ҳам мумкин эди. Келаси кун кайфи тарқаб, ақл-хушини йиғиб олиб, акасига, ўзига қўл кўтарган қўшини кечга қилишни учун кечирим сўраганида, ўртадаги гинадоват орадан кўтарилиб кетармиди. Ҳар қалай, аксарият ҳолларда мастлигида шерга айландиган киши, кайфи тарқаганида хис-туйғуларини жийовлаб олиши, жаҳлига эрк бермаслиги аён. Бирок...

Шу йилнинг 13 апрель кун Фарғона шаҳрининг Янги аср кўчасидаги кўпқаватли турар жой биносида яшовчи тўрт-беш нафар қўшинлар Азизжоннинг қайнотасиникига "ча-

қирди"га бориб, меҳмон бўлиб келишди. Аммо уйлари тарқамас, икки шиша арок олиб, Ғулом аканинг хонадонидан улфатчиликни давом эттиришди. Коллежнинг 2-курс талабаси, ўша кун ўқишга бормаган Озодбек соат тўртларда "Фирдавс" тўйхонасининг ортидаги ошхонада пивога аралаштириб, арок отиб олган, уйига қайтди. Акиси Ихтиёрни суриштириб, Ғулом аканинг уйига кирган йигитча улфатлар даврасига қўшилди. У кирганидан кейин яна битта шишадаги арокни очиб, отиб олишди. Видеомагнитофондаги қўшиқ авжига ўйна-га тушиб, яйрашаётганида уй бошқарувчиси эшик қўнғирогини чалди. "Бутун ўйни бошларингга кўтармасдан, бас қилинлар ўтиришни", деди эшикни очиб, дахлизда турган Володя ва Ғулом акага. "Хўп-хўп, бир пас ўтириб, тарқаламиз".

Урналиридан қўзғалаётганларидан кайфи тароқ қўшинлар Фарходжон ва Ихтиёр гап талашиб, муштлашиб ке-

тишди. Озодбек сўқиниб, мушт уриб, акасининг бурнини қонатган Фарходжонга ташланди. Ажратиб қўйишганида, у стол устидаги товоқни олиб, люстрага отиб юборди. Чироқ ўнди. Гира-ширада Володя Ғулом ака билан Фарходни ташқарига олиб чиқиб кетишди. Хонадондан кўчага чиқиб, оғзидан боди кириб, шоди чиқаётган қўшинлар яна муштлашибди. Тўполонни эшитиб, қўшни аёллар ҳам чиқибди. Фарходжоннинг онаси ва меҳмон бўлиб келган онаси югуриб келишди. Яна муштлашиб, чоғланган мастларни икки-уч киши аранг ажратиб, икки тарафга судрашди. Юзи қонга бўялган акаси билан уйига кирган Озодбек ошхонадан иккита пичокни олиб, ташқарига югурди. Тушаётиб, подъезд деразаси ойналарини синдириб ташлади. Кўчага чиқиб, "ўлдираман, ҳозир ўлдираман", дея югурди. Фарход қочаётиб, мункиб кетди ва тиззалаб қолди. Унинг елкасидан ушлаб турган Володя иккинчи қўли билан Озодбекнинг пичок тутган билани чангаллаб олишга улгурди. Озодбек иккинчи қўлидаги пичокни Фарходнинг кураги остига санчди. Қўрқиб, ўзларини четга олган аёлларнинг дод-фарёдини эшитиб, шу атрофдаги ИИБ ходимлари етиб келишди. Озодбекнинг қўлини қайириб, пичокни олиб қўйишди. Дарҳол "тез ёрдам" чақирди. "Тез ёрдам" етиб келгунча, қўшинлар жабрланувчининг жароҳатини боғлаб, қон

Садирали МИРЗОКАРИМОВ,
Фарғона шаҳар прокуратураси қатта терговчиси
Исроил ИБРОХИМОВ,
«Huquq»

кетишини тўхтатишга ҳаракат қилишди. Шифокорлар етиб келишганида, оғир тан жароҳати олиб, кўп қон йўқотган Фарходнинг жони узилган эди.

Дастлабки терговдаги каби суд мажлисида ҳам О.Якубов айбига тўлиқ иқдор, қилмишдан пушаймон бўлиб, кўрсатма берди.

— Акамни уйга олиб кирганимдан кейин чироқ ёруғида юзи қонга бўялганини кўриб, иккита пичок билан кўчага чиқдим. Фарход акани ўлдириш ниятим йўқ эди, қўрқитиб қўймоқчи эдим. Мастлигимда, аччиқ устида пичокни санчиб қўйибман...

Ичкиликбозлик оқибатида ёш йигит ҳаётдан бевақт кўз юмди. Коллеж ўқувчиси қотилга айланди. Бунинг билвосита сабабларидан бири таълим-тарбияга бориб тақалади. Ота-она фарзандлари ўқиш, мутолаа қилиш ўрнига дарсларни қолдириб, спиртли ичимликларга ружу қўяётганига, жаҳолат ботқоғига ботиб бораётганига бефарқ қарамаганида, коллеж ўқитувчилари унинг сабабсиз дарс қолдиришларига чек қўйиш чораларини қўришганида ушбу фожианинг олди олиниши мумкин эди-ку.



Баҳор ёмғири икки кундан бери ёғавериш, ерларда кўлмаклар ҳосил қилиб қўйган эди. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани ТТЗ-2 мавзесидаги кўп қаватли уйлarning бирида истиқомат қилаётган Тамара Ачилова (исм-фамилиялар ўзгартirilган) тўрт кун аввал табаррук 85 ёшини қарши олганди.

У ҳар куни ошхона деразаси олдида ўтириб, айникса шаррос ёғиб турган ёмғирни томоша қилаётганда ҳаёл суриб ўтиришни одатга айлантирганди. Тўғилган кунини ўтказиб, доимгидек ёлғиз қолгандан ўқсий бошлади. Бир пайт эшик кўнғирроғи такор-такор жиринглаганидан ҳаёли бўлиниб, эшик томон юриб келди.

Эшикни очмай туриб, ичкаридан сўради:

— Ким у?

— Бу мен, Илёсман.

Онахон Илёснинг овозини таниб, дарҳол эшикни очди. Саломаликдан сўнг аёл уни чойга таклиф қилди. Илёс бу хонадонга авваллари ҳам келиб, сантехник таъмирлаш ишларини баҳариб юргани учун ўзини гўё қариндошдек тутар эди. Шу сабабли у ўзини эркин ҳис қилиб, бир пиёла чой билан қорни тўймаслигини ҳам айтиди. Тамара Ачилова унинг қорни оч эканлигини билиб, ўзи тайёрлаган қарам шўрвадан қўйиб келди. У ҳам тортинмасдан апил-тапил овқатни ичиб олди. Овқатланиб бўлгач, Илёс онахонга маслаҳатлашиб оладиган гапи борлигини айтиди.

— Тамара опа, уйингизни ремонт қилиш керак. Нима дейсиз?

— Мен қарши эмасман. Фақат, моддий жиҳатдан имкониятим йўқ. Қолаверса, ҳозир менга квартирани таъмирлаш шарт эмас. Таъмирлашни бошлаганимда ҳам, қурилиш ашёлари олиб келишда ким менга ёрдам беради? Қўриб турганингдек, ҳеч кимим бўлмаса.

Илёс онахоннинг ёлғизлигини сезиб, ҳаёлида турли қабихиятлар ўрмалай бошлади. Дастлаб уч хонали уйга эғалик қилиб, сўнг мол-мулкни ҳам ўзлаштириш учун режа тузади. Онахонга янада яқинроқ бўлиш мақсадида унга меҳрибонлик қилиб, унинг яқин қариндошлари ва ўзи ҳақида батафсил маълумот тўплашга киришади. Т.Ачилова билан бир неча бор суҳбатлашиб, унинг турмуш ўртоғи бир неча йил аввал вафот этганини, фарзандлари ҳам бўлмаганлиги ва яқин қариндошлари ҳам чет давлатларга кўчиб кетганлигини билиб олади. Аёл соддалиги ва ишонувчанлиги туфайли унга ўз қариндошлари ва оилавий суратларини кўрсатиб, соатлаб суҳбатлашиб ўтиради.

Етарли маълумотларни тўлаган И.Самигулин кун сайин ўзини

меҳрибон қилиб кўрсатишга ҳаракат қиларди. Уйни таъмирлаб бериш баҳонасида озроқ цемент, қум ва турли қурилиш материалларини ҳам олиб келди. Ҳаттоки у онахоннинг уй-рўзгор ишларига ҳам қарашиб юрди. Т.Ачилова унинг бу ҳаракатларидан кун-сайин ўзини бахтиёр сезиб, кўтаринки кайфиятда яшай бошлади. Аммо унинг хурсандчилиги узокқа бормайди.

Саробга айланган бахтиёр кунлар икки ҳафтадан сўнг поёнига етиб, Илёснинг асл қиёфаси очилиб қолди. Илёс Самигулин 2013 йил 8 апрель кун онахоннинг уйига кечкурун тахминан соат 20:00 ларда келиб, гўё таъмирлаш ишларининг режасини яна бир бор маслаҳатлашиб олишни баҳона қилади.

— Ремонтни бир ҳафтадан сўнг бошлайман. Бирга хизмат қилган ўртоқларим Россиядан келишар экан. Уларни 3-4 кун меҳмон қилиб, Тошкентни айлантиришман. Нима керак бўлса қўнғироқ қилиб туринг.

— Ўғлим, мендан хавотир олма. Таъмирлашга шошаётганим йўқ. Ўзинг биласан-ку, бу ишларга ҳозир имкониятим йўқ.

Илёс бу баҳонани атайлаб режалаштирган эди. Сабаби, қариянинг қўшнилари олдида ўзини шубҳадан узоқлаштирмақчи бўлади. Унинг бир неча кун келмаётганидан зерикиб, онахон ён қўшнисиникига чиқиб, Илёснинг мақтайди. У соддалиги туфайли И.Самигулинга ўз уйининг қалитлари ва ҳужжатлари турадиган жойларини ҳам кўрсатиб қўйган эди.

Қўшни аёл Илёснинг онахоннинг ишончига кириб олганидан шубҳаланиб, гап орасида ундан эҳтиёт бўлиш кераклигини айтиб ўтади. Бу гап эса қарияга ёқмай, ўзаро гап талашиб қолишади.

— Тамара, ҳушёр бўл. У одамнинг хатти-ҳаракатлари шубҳали кўринаётган.

— Сен ҳар кимдан шубҳаланаверасанми ёки менга ҳасад қиласанми?

— Нимага ҳасад қиламан? Эсингни еб қўйдингми? Ўзинга ҳушёр бўл демокчи эдим, холос.

Орадан кунлар ўтади. Илёс қабихиятнинг амалга оширишга дастлаб шанбага режалаштиради. Аммо ўйлаб қўриб, шанба кун онахоннинг қўни-қўшнилари уйда бўлиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда жума кун-

ни танлайди. Жума кун кечкурун тахминан соат 21:00ларда у Т.Ачилованинг уйига келиб, ўзидаги қалит билан эшикни очади. Эшик очилганини эшитган аёл ичкари хонадан:

— Илёс, сенмисан? — деб сўрайди. Илёс онахоннинг кўнгли хотиржам бўлиши учун:

— Ҳа, бу мен. Қурилиш материалларини олиб келган эдим. Сиз хавотир олмасдан дам олаверинг. Нарсаларни ошхонага қўйиб, эшикни ҳам қўлғаб кетаман. Эртага кундузи келаман, — дея жавоб қайтаради. У онахонга доимо ўзбек тилида гап-рап, онахон эса унинг нима деганларини тушуниб, рус тилида мулоқот қилар эди. Кўнгли хотиржам бўлган хонадон бекаси оёқлари оғриб тургани боис ётоқхонасидан ҳам чиқмай қўя қолади.

Бу орада Илёс ўзи билан олиб келган электр симни тайёрлаб, аёл ётган хонага бостириб қиради. Кўзи уйкуга кетган аёлнинг бўйнига электр сими солиб, бир қўли билан бўйнидаги симни ва иккинчи қўли билан оғзини ёпиб уни бўғай бошлади. Уни тезроқ "тинчитиш" мақсадида жон талашиб ётган қарияни бўйнидан бўлган ҳолда ваннахонага судраб олиб қиради. Онахоннинг бошини бир неча бор деворга уриб, унинг жони узилгунча бундай ваҳшиёна ҳаракатларини давом эттиради.

Сўнг И.Самигулин Т.Ачилованинг жонсиз танасини ваннага ётқизиб, устидан қайноқ сувни очиб юборади. Ваннага аста-секин сув тўлгунча у уйдаги қўлга қирган нарсаларни олиб, чиқиб кетади.

Воқеа содир бўлган куннинг эртасига эрталаб Т.Ачилованинг ён қўшнисини унга қўймоқ пишириб олиб чиқади. Аммо анча вақтгача қўшнисининг эшги очилмагач, аёл хавотирга тушади. Қўшни аёл ўз уйига қайтиб кириб, Т.Ачилованинг уй телефонида кўнғироқ қилади. Гўшакнинг кўтарилмаганлиги ва эшик очилмаганлиги қўшни аёлнинг юра-гига баттарроқ гул-гула солади. У дарҳол ички ишлар ходимларига хабар беради.

Суриштирув давомида Т.Ачилованинг уйига кимлар келиб кетганлиги, унинг кимлар билан мулоқотда бўлганлиги маълум бўлади. Тўпланган маълумотлар, ашёвий далиллар, гувоҳларнинг кўрсатмалари бу жиноятга анча ойдинлик киритди. Экспертиза натижаларига қўра, бармоқ излари И.Самигулинга тегишли эканлиги маълум бўлди. Хуллас, қотил айбини бўйнига олишдан бошқа илож топа олмади. Илёс хонадондан олиб чиқиб кетган жами 1 млн. 682 минг сўмлик нарсаларни қаерда ва кимга пуллаганини ҳам терговда айтиб берди.

Мазкур ишни қўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди Илёс Самигулиннинг қўлмишига яраша Жиноят кодексининг тегишли моддаларини қўллаб, 19 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Чойхонада ўтирган уфатларнинг гапи қизиганган қизирди. Ҳар бир йигит ўзича барчани лоа қолдирадиган қизик-қизик ҳангомалардан гапиргиси келарди.

Барбод бўлган режа

Мансур СИДДИҚЖОНОВ,
Чилонзор туман прокурори ёрдамчиси

Гап мавзуси айланиб, бугунги бойваҳча йигитларга тақалган-да, Бобур барчанинг кулоғини динг қилдириб, гап бошлади:

— Чилонзорнинг Дўмбиробод маҳалласида "Азиз" деган биз тенги бойваҳча йигит яшайди. Уйи ҳам қасрнинг ўзи.

— Қайси кўчада яшайди, биласанми ўзи? — унинг гапини кутишга сабри чидамай сўради Собир.

— Шошмай тур, ҳаммасини бир бошдан гапириб берайман-ку? Ном эсимда йўқ, аммо "масжид"га бориладиган кўчада яшайди. "Масжид"нинг кўчаси қаерда десанг, маҳалладагилар шундоқ кўрсатиб юборади. Уйининг олдида яп-янги "Lasetti" автомашинаси туради. Улар маҳаллада энг бой хонадон ҳисобланади.

Бу гапни эшитган Собирнинг ўша кундан бошлаб уйкуси ўчди. Дўмбирободга бориб, айтилган кўчани ва уйни топди. Ун беш-йигирма кун обдон кузатиб, соат 10:00 дан 12:00гача 22 ёшлардаги бир қиз ва кексароқ ёшдаги отахоннинг уйда бўлишини билиб олди. "Хонадонга бир амаллаб кириб олсам эди. Уйдагиларни қўқитиб, қимматбаҳо нарсаларини олиб чиқиб сотсам, пулнинг тағида қолам", деб ўйлади. Аммо буни бир ўзи эпловмаслигига кўзи етгач, шерик излай бошлади. Энг мақбул шерик, дея ўртоқларининг ичидан Шокирни танлади-да, унга дардини баён қилди.

— Қўй ўртоқ. Мени жиноятга бошлама! Пул керак бўлса, тинчгина меҳнат қилиб ҳам топсанг бўлади-ку! — аввалига унинг таклифига рози бўлмади Шокир.

Аммо ҳадеб илтимос қилаверганидан сўнг унинг таклифини рад этолмади.

Шокир кечаси билан унинг жиноий режасини ўйлаб чиқиб, виждони қийналди. Эртаси кун Чилонзор туман ИИБга бориб, оғайнисни ун жиноят кўчасига бошлётганлиги ҳақида маълум қилди. Шундан сўнг елкасидан тоғ қулагандек бўлди.

Кечки пайт уйига келиб, уйнинг ташқари тарафига ўрнатилган видеокамераларни назорат қилаётган Абдували уйи атрофида нотаниш бир йигитни ўралашиб юрганини қўриб қолди. Ундан шубҳаланиб, отасидан бу ҳақда сўраган эди, анча кундан буён бир йигит уйимиз атрофида изғиб юрганига қўзим тушганди. Ўзининг иши билан юргандир, деб сенга айтмагандим, деган жавобни олди.

Абдували дарҳол бу йигитнинг кимлиги, нима мақсадда бу ерда юрганигини билиш мақсадида ёрдам сўраб, Чилонзор туман ИИБга ариза билан мурожаат қилди.

Ўйлаган режаларини амалга ошириш учун Собир билан Шокир "Чорсу" дехон бозорига кириб, порох билан миҳ отувчи мослама сотиб олишди. Пичок билан қуролланиб, Чўпота кўчасига келишди. Бу ерда бир автомашинани тўхта-тиб, қўзланган манзил томон йўл олишди. Хонадонга 10 метрлар қолганида автомашинани милиция ходимлари тўхта-тиб, уларни текширувдан ўтказишгач, Собирнинг режаси барбод бўлди.

Суд томонидан Собир Фоййпов ЖКнинг тегишли моддалари билан айбли, деб топилди. Ўйламай босилган қадам охир-оқибат уни симтур ортга етаклади.



Автошўу фожиага айланди

Мексикадаги экстремал томошалар чоғида етти киши ҳалок бўлган, яна 47 киши жароҳатланган. Уларнинг 35 нафари оғир ҳолатда касалхонага олиб борилган.

Ушбу аянчли ҳодиса Мексика шимолидаги Чиуауа шаҳрида юз берган. "Монстр-автомобиллар" мусобақаларида қатнашаётган юк машиналаридан бири номаълум сабабларга қўра катта тезликда томошабинларни уриб юборган. Фидиракларининг баландлиги 1,5 метр келадиган ушбу машина бир неча қатор қилиб ўрнатилган тўсиқдан ўтиб, томошабинлар тўдасига соатига камида 60 км. тезлик билан келиб урилган.

Мексикадаги ушбу экстрим фестивал АҚШ билан чегарадош шаҳарда учинчи бор ўтказилмоқда. Дам олиш кунлари Чиуауага олий пилотаж шакллари, парашютдан сакраш, мотоцикллар акробатикаси ва "монстр-автомобиллар" мусобақасини томоша қилиш учун 200 минг нафар томошабин тўпланган эди.

Дастлабки маълумотларга қўра, фожиага юк машинасининг бошқариш тизимидаги носозлик сабаб бўлган.



Мессининг футбол кўргончаси



Тўрт қарра дунёнинг энг яхши футболчиси номига сазовор бўлган Лионель Мессининг футбол виласини барпо этмоқчи.

Аргентиналик футболчининг буюртмасига қўра, Луис де Гарридо бошчилигидаги каталониялик бир гуруҳ архитекторлар Мессининг келажакда яшайдиган янги уй лойиҳасини ишлаб чиқди.

Маълумотларга қўра, уйнинг ичи ҳам, ташқариси ҳам футбол билан боғлиқ мавзуга бағишланган. Бир пайтнинг ўзига ҳам кириш дарвозаси вазифасини бажарувчи гараж эса Мессининг рақами бўлган "10" сонини эслатади. Ушбу ўн рақамининг ноли тўп шаклида баҳарилган бўлиб, унинг қирғоқлари тўлиқ ва яқунланмаган олти бурчаклардан шакллантирилган.

Футбол юлдузининг бўлғуси уй-ҳовлиси 1300 метр квадратдан зиёд майдонни эгаллайди.

Бриллиант аукционда рекорд ўрнатди

Сотбис аукцион уйи Гонконгга энг катта бриллиантни 30,6 миллион долларга сотди ва бу билан жаҳон рекордини ўрнатди. Бриллиантнинг оғирлиги 118,28 каратта тенг. "Magnificent Oval Diamond" номини олган ушбу тош бенуқсон софликка эга.

Бу олмос 2011 йилда Жанубий Африкадаги олмос қонида, ер сатҳидан анча чуқурликда топилиб эди. Ушанда ноёб топилма 299 каратни ташкил этган. Бир неча ой давомида олиб борилган қирраш ишлари натижасида у 118,28 каратли рангсиз бриллиантга айланди. Таъкидлашларича, кўпи билан олти дақиқа давом этган савдода қимматбаҳо тош аукционнинг аноним иштирокчисига сотилган. У ўзининг нархини телефон орқали маълум қилган.

Энди "Magnificent Oval Diamond" бриллианти аукционда сотилган энг қиммат тош ҳисобланади.



Ёшларимиз саралаш ўйинларида

Яқинда пойтахтимизда ўтказилган 16 ёшгача бўлган футболчилардан таркиб топиш ўсириллар ўртасидаги саралаш мусобақаларида қатнашган Ўзбекистон ўсириллар терма жамоаси Осиё чемпионати финал баҳсига иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган эди. Энди навбат ёшлар терма жамоамизга келди.



Ёшлар (U19) ўртасидаги Осиё чемпионати саралаш баҳсларига мезбонлик қилаётган Қатар давлатига йўл олган Алексей Евстафеев бошчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 6 октябрь кунини Туркменистон ёшларига қарши майдонга чиққан бўлса, орадан икки кун ўтиб, непалик тенгдошлари билан баҳс олиб боришди. Дастлабки ўйинда кичик ҳисобда ғалаба қозongan Алексей Евстафеев шогирдлари иккинчи учрашувида Непал ёшлар терма жамоаси аъзоларига ҳеч қандай имконият қолдиришмади. Қизиқарли кечган баҳсда 5:0 ҳисоби қайд этилиб, ўзбекистонлик футболчиларнинг ғалабаси билан яқунланди. Унда Элдор Шомуродов рақиб дарвозасини уч бора нишонга олиб, хет-трикни нишонлади. Наҳмиддин Нормуродов 14-дақиқада ҳисобни очган бўлса, Бобур Давлатов 49-дақиқада пенальтидан унумли фойдаланиб, битта голга муаллифлик қилди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ САРАЛАШ

Ўзбекистон (U19) — Непал (U19) — 5:0

Голлар: Наҳмиддин Нормуродов (14), Элдор Шомуродов (35), Бобур Давлатов (49 пен), Элдор Шомуродов (62), Элдор Шомуродов (71).

Қимматбаҳо «Бавария» футболчилари

"Transfermarkt" томонидан тузилган рейтингга қўра, Германиянинг "Бавария" клубидан уч нафар ўйинчи дунёнинг энг қимматбаҳо футболчилари рейтингидан жой олди. Пеп Гвардиола қўл остида ўнг қанот ҳимоячисида таянч ярим ҳимоячисига айлانган жамоаси сардори Филипп Ламнинг трансфер қиймати 40 миллион еврога баҳоланган. Жамоа дарвозабони Мануэль Нойер 30 миллион, деб топилиб бўлса, Давид Алабанинг 28 миллион еврога сотилиши белгилаб олинган.



Операция декабрда

Жорий мавсумдан бошлаб "қизил иблис"га айланган ярим ҳимоячи Маруан Феллайни билагидаги жароҳат билан декабрь ойига қадар уйнашга мажбур бўлади. Сабаби жароҳатини операция қилиш декабрь ойига қолдирилди.

Ушбу қарор 25 ёшли ўйинчининг Бельгия терма жамоасига ЖЧ-2014 саралашининг муҳим ўйинларида ёрдам бериш ва "Манчестер Юнайтед" сафига яна биров вақт тўп суриш имконини яратиш учун қабул қилинган. Айни пайтда футболчи терма жамоа йиғинида бўлиб, қўлида пульс ҳисоблагич билан махсус шуғулланмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Феллайни ЧЛнинг 2-турида "Шактёр" билан ўйинда жароҳат олган ва биров аввалроқ уч ой муддатга сафга чиқиши ҳақида хабар қилинган.

Санья «Арсенал»дан кетмоқчи

Англиянинг "Арсенал" жамоаси ҳимоячиси Бакар Санья клуб билан шартнома муддатини узайтиришни истамайпти. Эслатиб ўтамиз, 30 ёшли футболчининг "канонирлар" билан шартномаси мавсум охирига яқинига етади.

Айни вақтда Санья ҳафтасига 60 минг фунт стерлинг маш олади. "Арсенал" ўтган йили футболчиға шу маш шартлари билан янги шартнома таклиф этганди, аммо ҳимоячи қарорини ўзгартирмади ва бунга изох ҳам бермади, деб ёзди Daily Mail нашри.

Газетанинг ёзишича, "канонирлар" шеф-скаути Стив Раули клуб селекционерларига янги ўнг қанот ҳимоячисини излаш ишларини бошлашни буюрган. Саньяга эса, Франциянинг "ПСЖ" ва "Монако", Туркиянинг "Галатасарай" ҳамда "Фенербахче" жамоалари қизиқиш билдиришмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

АҚШдаги мўъжиза

АҚШдаги махфий ҳужжатларга ошкор этилишича, 1961 йилда мамлакат мўъжиза туфайли ядро ҳалокатидан қутулиб қолган экан. Маълумотларга қўра, Шимолий Каролинада водород бомбаси портлашига бир баҳя қолганлиги таъкидланди.

Жумладан, 1961 йилнинг 23 январидан парвоз қилаётган ҳарбий самолётнинг бортида иккита "Mark39" атом бомбаси бўлган. У қандайдир сабабга қўра бошқарувни йўқотган ва ерга қулай бошлаган. Ҳалокат туфайли ишдан чиққан назорат тизими юкxonани автомат тарзда очиб юборган. Натижада эса, бомбалар Голдсборо шахри ҳудудига келиб тушган. Аҳоли пунктларидан анча олисга тушган бомбалардан бири ҳеч қимга зарар етказмаган. Иккинчиси эса, "ишга туширилди", деган сигнал билан Шимолий Каролина устида портлашига бир баҳя қолганлиги тўғрисида махфий ҳужжатларда баён этиб қўйилган экан. Бомба портламай қолганлигининг сабаби паст вольтли улагич ишдан чиқиб, каллак қувватини ўчириб қўйганлиги аниқланган. Ушбу совуқ қуролнинг қуввати тўрт мегатонна бўлиб, солиштирилганда, Хиросима ва Нагасакига ташланган бомбалар қувватидан 260 марта кучли бўлган. Фожеа юз берганида, радиоактив булутлар Нью-Йорк, Филадельфия, Балтимор, Вашингтон ва яна кўплаб шаҳарларни заҳарлаган бўларди.

Хитой тайфун остида

"Фито" тайфун оқибатида Хитойнинг жануби-шарқидаги қурорт зоналари ёпилиб, минглаб сайёҳлар эвакуация қилинапти.

Маълумотларга қўра, соҳилдаги сув сатҳи деярли бир метргача кўтарилиши мумкин. Юзлаб танкерлар ва балиқ овлash кемалари портларга қайтган. Бундан ташқари, сайёҳат лайнерлари ҳам ўз ҳаракатини тўхтатган.

"Фито" тайфун бу йил Хитойга йигирма учинчи мартаба таҳдид солапти.

Дунёдаги энг қиммат автомобил

"Toyota" яна дунёдаги энг қиммат автомобил бренди сифатида яна "BMW" ва "Mercedes"ни ортда қолдириб, дунёдаги энг қиммат автомобил бренди номини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Япон брендининг қиймати 35,3 млрд. АҚШ долларига баҳоланди. Бу уни жорий йилда 10-рақамли энг қиммат брендга айлантирди.

Британия шахзодаси кимга уйланапти?

29 ёшли Британия шахзодаси Гарри 24 ёшли фотомодель Крессида Бонаста уйланиш ниятла.

Айтиш жоизки, яқин-яқингача Гаррининг оила қуриш нияти йўқ эди. Лекин у уч йилдан буён учрашиб юрган севгилиси Крессидани бўлажақ турмуш ўртоғи сифатида кўраётганини айтган эди. Бироқ сўнгги пайтларда шахзоданинг ҳаётга қарашлари ўзгарди. Сал олдинроқ ОАВ Крессидани ҳозирга шахзоданинг рафиқаси ролига тайёр эмаслигини, уни кўпроқ ўз иш фалояти қизиқтиришини ёзганди. Вақт ўтиши билан қиз ўз фикрини ўзгартирган кўринади. Хабарларга қўра, тўй келаси йили ўтказилиши мумкин.



Спорт Футбол

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Самарқанд вилоят филиали бошлангич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади:

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

1. Самарқанд вилояти Нарпай тумани, Мирбозор қўрғонидида жойлашган собиқ "Ширин" консерва заводининг умумий ер майдони 8,13 га., бино ва иншоот эгаллаган ер майдони 5811,27 кв.м. дан иборат бино ва иншоотлари.

Бошлангич нархи — 1 768 652 000 сўм;

Балансда сакловчи: Нарпай туман ҳокимлиги. Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

2. Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар, Гўрўгли қўчасида жойлашган, умумий ер майдони 185,5 кв.м., бино ва иншоот эгаллаган ер майдони 180 кв.м. бўлган Маъмурий бино ва иншоотлари.

Бошлангич нархи — 64 073 000 сўм;

Балансда сакловчи: Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Нотураар жой биноларидан фойдаланиш Департаменти.

Фаолият ихтисоси: Нотураар жой биноларидан фойдаланиш.

Аукцион савдоси 2013 йил 12 ноябрь куни

соат 11:00да ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йилнинг 13 декабрь ҳамда 2014 йилнинг 14 январь, 14 февраль, 18 март, 18 апрель ҳамда 20 май кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижаларига бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 20 (йигирма) кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошлангич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Самарқанд вилоят филиалининг АТИБ "Ипотека банк" Қўрсарой филиалидаги ҳисоб рақамига закалат пулини тўлашлари лозим: х/р: 202080000604920609025, МФО:00262, СТИР:207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманомна қабул қилиш билдиришномда эълон қилинган санадан бошлаб ва билдиришномда кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисида эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказил-

ганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; аукцион тўғрисидаги билдиришномда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Самарқанд вилоят Самарқанд шаҳар, Бўстонсарой кўчаси 85-А уй 2-қават, 210-хона.

Маълумотлар учун телефон: (8366) 233-80-56. **Факс:** (8366) 233-80-56.

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz. www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Хўрматли тadbirkorлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли "Ишонч телефони"га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Наманган вилоят филиали бошлангич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади:

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активи қўйилади.

1. Наманган вилояти Чортоқ тумани А.Навоий МФИда жойлашган, умумий ер майдони 1761,7 кв.м., бино ва иншоотларнинг қурилиш ости майдони 1226 кв.м., фойдали майдони 265,4 кв.м.дан иборат "Келиб кетувчилар уйи" бино-иншоотлари.

Бошлангич нархи — 217 688 094 сўм;

Балансда сакловчи: "Андижоннефт" ОАЖ.

Фаолият ихтисоси: Нефт қазиб олиш санаяти.

Аукцион савдоси 2013 йил 11 но-

ябрь куни соат 14:00да ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолар 2013 йилнинг 14, 21, 28 ноябрь кунлари соат 14:00да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижаларига бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 20 (йигирма) кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошлангич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Наманган вилоят филиалининг АТИБ "Ипотека банк" Наманган вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига закалат пулини тўлашлари лозим: х/р: 202080000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманомна қабул қилиш билдиришномда эълон қилинган санадан бошлаб ва билдиришномда кўрсатилган аук-

цион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисида эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини

тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; аукцион тўғрисидаги билдиришномда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Наманган вилоят Наманган шаҳар, Нодира кўчаси 3-уйнинг 4-қавати.

Маълумотлар учун телефон: (8369) 227-97-01. **Факс:** (8369) 227-94-47.

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz. www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Хўрматли тadbirkorлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли "Ишонч телефони"га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Хоразм вилоят филиали бошлангич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади:

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

1. Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани, "Бешта" қишлоғида жойлашган "Бешта" ФАПнинг умумий ер майдони 735,75 кв.метр, қурилиш ости ер майдони 442,86 кв.м. дан иборат бино ва иншоотлари.

Бошлангич нархи — 138 310 000 сўм;

Балансда сакловчи: Ҳазорасп туман ҳокимлиги. Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Аукцион савдоси 2013 йил 12 ноябрь куни соат 11:00да ўтказилади.

Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00 гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги муддати 2013 йил 11 ноябрь куни соат 12:00.

Аукцион савдолари натижаларига бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 20 (йигирма) кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

си тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошлангич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Хоразм вилоят филиалининг АТИБ "Ипотека банк" Тинчлик филиалидаги ҳисоб рақамига закалат пулини тўлашлари лозим: х/р: 20208000004920609036, МФО:00580, СТИР:207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманомна қабул қилиш билдиришномда эълон қилинган санадан бошлаб ва билдиришномда кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисида эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлай-

диган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; аукцион тўғрисидаги билдиришномда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Хоразм вилоят Урганч шаҳар, Й.Бобоқонов кўчаси 23-уй 1-қават, 2-хона.

Маълумотлар учун телефон: (8362) 226-32-63. **Факс:** (8362) 226-32-63.

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz. www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Хўрматли тadbirkorлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли "Ишонч телефони"га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган

ХўРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси А.Султонов номидagi Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти тасарруфидagi Тошкент шаҳар, М.Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 40-уй манзилида жойлашган (кейинги ўринларда "Объект" деб ўқилади) Экспериментал ускуналар биноси ва иншоотлари негизида давлат улushi иштирокида хўжалик жамияти ташкил этиш бўйича 2013 йил 11 ноябрь куни танлов савдоларини ўтказилади.

Танлов савдоларини ўтказиш шартлари қуйидагича:

— давлат мулки иштирокида хўжалик жамияти (ОАЖ ёки МЧЖ) ташкил этиш;

— ушбу "Объект"га энг юқори инвестиция (бир йил давомида) киритиш мажбурияти олиш;

— янги иш ўринларини ташкил этиш;

— замонавий ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш;

— бир йил давомида жамият устав фондини шакллантириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим

этиладиган ҳужжатлар:

"Бизнес-режа", устав нусхаси, юридик шахсининг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси, директорнинг паспорт нусхаси ва керакли ҳужжатларни конвертга солиб, икки нусхада муҳрланган ҳолда тақдим қилинади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида сотувчи билан шартнома имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш танлов савдосига 3 соат қолганда тўхта-

тилади.

Танлов савдолари 2013 йилнинг 11 ноябрь куни соат 16:00да Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Амир Темураш кўчаси, 16-а уй, 205-хонада ўтказилади.

Ушбу куни танлов бўлмаган тақдирда, 2013 йилнинг 18, 25 ноябрь ва 2, 9 декабрь кунлари соат 16:00да Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Амир Темураш кўчаси, 16-а уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар:

233-22-83, 233-74-72

Хизматлар лицензияланган

Устозлар ва шогирдлар учрашуви

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятининг қуришда ёшлар билан бир қаторда фахрийларимиз ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар. Айниқса, жамиятин янгилаш, ёш авлодин тарбиялашда уларнинг тутган ўрни ва хизматлари бебаҳолир.

Жорий йилнинг 5 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларида "Суд-хуқуқ тизимини изчил демократлаштириш жараёнида прокуратура органларининг вазифалари" мавзусида туман ва шаҳар прокурорларининг ёрдамчилари ҳамда прокуратура соҳасида бир неча йиллар давомида самарали меҳнат қилиб, ҳозирда қарилх гаштини суриб келатган фахрийлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Уни Республика Бош про-
куратураси Олий ўқув курсла-
рининг бошлиғи Толибжон Ума-
ров кириш сўзи билан очди.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиқ Маркази раиси Бо-

тир Калонов Марказнинг ташкил этилиши, фаолияти, мақсад ва вазифалари тўғрисида батафсил маълумот берди. Марказ прокуратура органидаги меҳнат қилию, нафақага чиққан 337 нафар фохрийни бирлаштириб, улардан 15 нафари "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист", 7 нафари "Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган юрист" ва 16 нафар фохрий "3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси" унвонлари билан тақдирланганини алоҳида эътироф этди. Шунингдек, Республика Бош прокуратураси тизимида қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ёш кадрларни касбга сadoқат руҳида тарбиялаш борасида ўз қуч-ғайратини сарфлаб, билими ва бой ҳаёт тахрибасини ўргатиб келаётган фохрийларнинг тенгсиз насиҳатлари ҳамма вақт асқотишини алоҳида

Гули ХОЖИБОЕВА,
«Нигора»

таъкидлаб, нафақага чиққан фаришларга зарур моддий, маънавий ва тиббий ёрдамлар кўрсатиб келинаётганлиги тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, тадбирга ташриф буюрган faxрийлар Ортиқбой Қосимов, Рустамбек Ҳақимовлар ўзларининг кўп йиллик тажрибалари ҳақида ёш ҳамкасбларига гапириб беришди.

Дарҳақиқат, инсон бадри унинг меҳнати, эл-юрт, Ватан, ҷамият ва давлат равақида кӯшан ҳиссаси, қолавераси, ўз касбиға бўлган садқоти, фидо-йилиғи билан баҳоланади. Фах-рилар ўз иш таҷрибалари ҳақида тингловчилар билан ўртоқлашар экан, энг аввало, кунан талаб этадиган барча ва-зифаларни сидқидилдан ва адо-лат тамойиллариға таянган ҳолда баҳарши прокуратура ҳодимла-рининг бурчи эканлиғини ало-ҳида таъкидлаб ўтдилар.

“Ўзқоспарказ”да олтинчи халқаро ихтисослашган
 “UzMedExpo-2013” тиббиёт кўргазмиси очилди.
 Аънанвий “UzMedExpo” халқаро тиббиёт кўргазмиси
 соҳа мутахассисларини тиббий-наъий янгиланлар ва
 ишланмалар, инновацион лойиҳалар билан таништи-
 риш, маҳаллий ва хориний ишлаб чиқарувчиларнинг
 ўзаро алоқаларини мустақимлашга хизмат қилмоқда.

Тошкентда тиббиёт кўргазмаси

Кўргазмада Ўзбекистон, Хитой, Германия, Италия, Швейцария, Украина, Россия, Хиндистон, Қозғоғистон, Покистон, Эрон сингари давлатлардан ўнлаб корхона ва фирмалар иштирок этмокда. Унда дори-дармон, тиббий диагностика, лаборатория ва даволаш ускуналари, тибий фармацевтика ва косметика махсулотлари, рентгенология, стоматология, физиотерапия, жаррохлик, кардиология, тиббий реабилитация ва бошқа соҳаларда қўлланладиган янги препаратлар, техника ва технологиялар, санитария ва гигиена воситалари, тибийёт соҳаси учун махсус мебеллар, минерал қўшимчалар ва витаминлар намойиш этилмокда.

Мамлакатимиз ва жаҳон фармацевтика саноатининг энг сўнги ютуқлари намойиш этилаётган кўргазма доирасида дори-дармон ва соҳага оид техника ва технологиялар етказиб бериш бўйича кўплаб шартномалар имзоланмоқда.

Ўз мухбиримиз

[illegible]

ХҲРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!
«Асака» банк (ОАЖ)

Қуйидаги мақсадларга:

- ☒ Аҳоли учун истеъмол товарлари (музлаткич, теле-аппаратура, мебель ва бошқа жиҳозлар) сотиб олишга;
☒ Оилавий тадбиркорликни ва хунармандчиликни ривожлантириш учун;
☒ Касб-хунар коллежлари ва бошқа таълим муассасалари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш учун **кредитлар ажратади.**

Кредитларни “Асака” банк (ОАЖ) барча филиалларида расмийлаштиришингиз мумкин.

“Асака” банк (ОАЖ) филиаллари кредит бўлимларининг телефон рақамлари:

Филиаллар номи	Телефон рақамлари
Корақалпоғистон филиали	8-361-223-72-59
Андижон вилоят филиали	8-374-224-56-98
Асака филиали	8-374-233-15-32
Фарход филиали	8-374-226-96-93
Бухоро вилоят филиали	8-365-223-11-15
Бухоро шаҳар филиали	8-365-770-00-34
Қашқадарё вилоят филиали	8-375-221-15-38
Навоий вилоят филиали	8-436-770-21-28
Зарафшон филиали	8-436-573-18-82
Наманган вилоят филиали	8-369-226-91-45
Самарқанд вилоят филиали	8-366-233-63-82
Афросиёб филиали	8-366-221-72-68
Сурхондарё вилоят филиали	8-376-770-82-20

Филиаллар номи	Телефон рақамлари
Сирдарё вилоят филиали	8-367-225-28-61
Тошкент вилоят филиали	8-371-120-84-04
Фарғона вилоят филиали	8-373-224-72-14
Марғилон филиали	8-373-237-60-71
Олтиариқ филиали	8-373-432-19-80
Қўқон филиали	8-373-552-61-03
Хоразм вилоят филиали	8-362-226-96-01
Тошкент шаҳар филиали	8-371-120-83-00
Автотранспорт филиали	8-371-120-39-01
Шайхонтоҳур филиали	8-371-140-39-04
Юнусобод филиали	8-371-221-80-67
Сирғали филиали	8-371-257-44-10
Жиззах вилоят филиали	8-372-226-34-90

Кўшимча маълумот учун телефонлар:
(8-371) 120-82-23, 120-81-83, 120-81-54.

«Асака» банк (ОАЖ) кўп каналли ягона «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» рақами:
(8-371) 120-82-88.

**«Асака» банк –
обод турмуш ва
фаровон ҳаёт хизматида!**

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV	Baxtiyor NAZAROV
Abbosxon SANGINOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muxtor ZOIROV	Kamoliddin ASQAROV
Guinoza RAHIMOVA	(mas'ul kotib v.b.)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53

FAX: 233-10-55,
233-64-85

E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz
Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egaloriga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga

Reklama materiallarining mazmuni uchun
tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma j-8245.46 767 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: O'.DEHQONOV
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O'.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot
va axborot agentligida
2009-yil 12-oktabrda
0188-raqam bilan
ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-7617



9 772010 761004